

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛТЕТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Разикова Юлдуз Бахромовна

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН ТАШҚИ
СИЁСАТИ

Мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220500 – Халқаро муносабатлар

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Алимова Р.Р.

Тошкент 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ТАШҚИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Ташқи сиёсат тушунчасининг назарий асослари.....	9
1.2. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ташқи сиёсатининг тадқиқ этишнинг назарий асослари.....	17
2-БОБ. БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ.....	24
2.1. Бобурийлар даврида сиёсий вазиятларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
2.2. Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё давлатлари билан дипломатик муносабатлари.....	32
2.3. Бобурийлар давлатининг Афғонистон ва Эрон билан сиёсий дипломатик алоқалари.....	46
ХУЛОСА.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	57
ИЛОВАЛАР.....	62

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади¹.

Тарих саҳифаларини varaқлар эканмиз, ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси, маънавияти узоқ ўтмишдан дунёга маълум ва машҳур бўлиб келгани кўзга яққол ташланади. Аллоҳнинг инояти, аجدодларимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва интилишлари туфайли бу захматкаш халқ орасидан Амир Темур, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Машраб ва Нодирабегим каби неча ўнлаб алломаю даҳолар, олиму фозиллар, шоиру рассомлар, подшоҳу саркардалар етишиб чиқдилар.

Миллат номини улуғлаган алломалар ҳақида гап борганда, ўзининг иқтидори, ақл-заковати, мураккаб тақдири ҳамда очик руҳий олами билан шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур киши эътиборини ўзига кўпроқ тортади. У давлат арбоби, шоир, саркарда, олим, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос ва айни пайтда ҳушхулк инсон сифатида кўплаб ажойиб фазилатларга эга бўлган².

Бугунги кунда Бобурийлардан қолган ўлмас мерос ҳозиргача ардоқланиб келинмоқда. Бобурийлар даврида Ҳиндистон сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланибгина қолмай, улар томонидан илм-фанга катта эътибор берилди. Бобурийлар даврида Ҳиндистон Ғарб ва Шарқ ўртасида кўприк вазифасини ўтади, шу билан бирга Бобурийлар ички сиёсати ҳар томонлама шаклланган бўлиб турли динга мансуб аҳолини бир жойга жамлай олди ва бу салтанат уч аср умр кўрди. Бобурийлар ташқи сиёсати эса тинчлик ва ҳамдўстликка асосланган эди.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги фикримизча қуйидагиларда намоён бўлади:

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. –Б. 86

² Аждодларга буюк муҳаббат -<http://LibBobur.Uz/index.php?name=news&op=view&id=96> 12.02.2010

Биринчидан, миллий давлатчилигимиз тараққиёти жараёнида аجدодларимиз томонидан яратилган сиёсий қарашларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уларга ҳолисона баҳо бериш, сиёсий таълимотларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга;

Иккинчидан, фуқороларни айниқса, ёш авлодни юксак ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялашда, миллий давлатчилигимизнинг ривожланишида, буюк аجدодларимиз, шу жумладан Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган бой тажрибага таяниш ва шу асосда ёшларнинг миллий ўзлиги ва ғурурини юксалтириш, долзарб вазифалардан биридир;

Учинчидан, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида Бобурийларнинг жамият ҳаётини ташкил этишдаги ижтимоий-сиёсий фаолияти, айниқса, бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик каби сиёсатни олиб бориш борасидаги тажрибаларини тадбиқ этишни бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Шунинг учун битурув малакавий ишда Бобурийлар даврида Ҳиндистон ташқи ва ички сиёсатини, дипломатиясини ўрганиш ва тадқиқ этишни долзарб деб ҳисобладик.

Ҳиндистон ўзининг кўҳна ва қадимий тарихи ҳамда маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшди. У азалдан илм-фан, маданият ривожланган, миллий санъат тараққий этган мамлакатлардандир.

Буюк ҳинд халқининг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий-иқтисодий тузуми, қадимий маданияти, миллий анъана ва урф-одатлари кўшни мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи билан ҳам чамбарчас боғланган.

Миллий истиқлолга эришган ўзбек халқи ҳинд халқи ҳаёти, адабиёти, санъатига, унинг миллий-озодлик қурашига катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қараб, кўшни Ҳиндистонни яқиндан чуқур англашга интилан. Айниқса ҳинд ва ўзбек халқининг ҳаёт тарзи, тили, адабиёти, санъати ҳамда

тарихи ўртасидаги муштараклик икки халқнинг бир-бирига яқин, ҳамнафас бўлишида катта аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бобурийлар сулоласи тарихини, уларнинг генеологияси, ҳукмронлик қилган даври хронологияси бўйича илмий изланишлар хорижлик ва мамлакатимиз тадқиқодчилари томонидан чуқур ўрганилган. Бобурийлар сулоласи тарихини ўрганишда хорижлик олимлардан Гаскойн В., Эрскин У., Маллесон Г.Б., Ричардс Ж.Ф., Талбот Ф.Ж., Коттер Л.Ж., Трипати Р.П., Элфингстон М., Магумдер Р.С., Шарма Р.С., Кэрэн Л., Неру Ж., Шарма Л.П. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар¹.

Мамлакатимизда Бобурийларнинг илмий меросини ўрганишга Иброҳимов А., Абдуғафуров А., Азимжонов С.А., Салъе М., Бобоев Ҳ., Воҳидов Р., Сотимов Ғ., Жалилов С., Файзиев Т., Ҳошимов И., Низомиддинов И., Обидов Б., Хусанбоев О., Қудратуллаев Ҳ. каби олимлар ўзига хос ҳисса қўшганлар².

Б.Обидов ўзининг “Бобурийлар даврида Ҳиндистон ва Туркистон алоқалари (XVI-XVII асрлар)” асарида Ҳиндистон–Марказий Осиё алоқалари айнан бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўққисига етганлигини

¹ Gascoigne B. The Great Moghuls. London, 1976; Erskine W. History of India under the two first sovereigns the house of Taimur, Babur and Humayn, vol.1-2 London, 1854; Malleson G.B. Rulers of India. Oxford. 1894; Richards John F. The Mughal Empire. Cambridge Univ. Press. 1993; Talboys Wheeler J. The History of India from the earliest ages. –London 1894; Kotter L.J. History of India under Queen Victoria. Book 3 The Moghul Dynasty of Babar. London, 1899; Tripathi R.P. Rise and Fall of the Mughal Empire. Allahabad. 1991; Elphinstone M. The History of India. London. 1889; Magumdar R.C. On Advanced History of India. London, 1946; Sharma S.R. Mughal Empire in India. New-Delhi 1970; Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: Б.Эрматов. –Т.: Маънавият, 1999. -224 б; Неру Д. Открытие Индии: Кн. 1. –М.: Политиздат, 1989. -459 с; Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати: Ингл. тилидан таржима. –Т.: Маънавият, 1998.-168 б.

² Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2000. -80 б; Абдуғафуров А. “Бобир” эмас, “Бобур” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1983; Азимджанова С.А. Индийский диван Бабура. –Т.: Фан, 1966. -85 с; Бабура З.М. Бабура-наме / Пер. Салъе М. Под ред. Шевердина М. ч.1. –Т.: Госиздат ЎзССР, 1948.-232 с; Бабура З.М. Бабура-наме / Пер. М.Салъе. Отв. Ред и авт. Предис. Азимджанова С.А. –Т.: Из-во Акад. Наук ЎзССР, 1958. -529 с; Бабура З.М. Избранные сочинения. (Сост. И вступит. Статья Азимджановой С. и Каюмова А.) -Т.: Из-во Акад. Наук ЎзССР, 1959. -176 с; Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1 китоб. –Т.: Фан, 2004 -294 б; Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. –Т.: Маънавият, 1999. – 88б; Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.: Маънавият, 2003. -72 б; Жалилов С. Бобур ва Юлий Цезар (Қиёсий ҳаётнома). –Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 480 б; Файзиев Т. Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари (Бобурийлар сулоласининг қискача шажара тарихи) –Т.: Ёзувчи, 1996. -96 б; Ҳошимов И. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати. –Т.: Маънавият, 1998. -168 б. Низомиддинов И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзР ФА Дав Адаб музейи, 2008. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. –Т.: Шарқ, 2005. – 384 б.

таъкидлаган. Шу билан бирга асарда икки минтақа ўртасидаги маданий яқинлашув жараёни тезлашганлиги ва ҳар жиҳатдан бу ўзаро қўшилув янгича ижобий синтезни вужудга келтирганлигини таъкидлаб ўтган. Марказий Осиё халқларининг ўзига хос маданияти, миллий анъаналари, санъати, адабиёти ҳам икки ўлка халқларининг алоқалари жараёнида бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитганлигига тўхталиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади миллий ғоя асосида тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлмиш Бобурийлар сулоласи вакилларининг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги тажрибасини ўрганиш, бу борадаги сиёсий қарашларини таҳлил қилишдан иборат. Бобурийларнинг сиёсий таълимотлар ривожига тутган ўрни ҳамда аҳамиятини асослаб кўрсатиб бериш ҳамда уларнинг хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини тарихий манбалар асосида илмий таҳлили битирув малакавий ишнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ташқи сиёсат тушунчасининг назарий асосларини ўрганган ҳолда Бобурийлар давлати ташқи сиёсатини тадқиқ этиш;
- Ҳиндистонда Бобурийлар ташқи сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий асосларига таянган ҳолда, Бобурийлар давлати ташқи сиёсатини ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш;
- Бобурнинг Буюк бобурийлар сулоласини ташкил этиш борасидаги фаолиятини ёритиб бериш;
- Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг Марказий Осиё, Афғонистон ҳамда Эроннинг дипломатик алоқалари давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни таҳлил этиш;
- Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг Марказий Осиё, Афғонистон ҳамда Эрон давлатлари билан дипломатик муносабатлардаги асосий йўналишларни ва ўзига хос жиҳатларни тадқиқ этиш;

- Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг Марказий Осиё, Афғонистон ҳамда Эрон давлатлари ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг натижаларини таҳлил этиш ва шу натижаларга олиб келган омилларни ўрганиш.

Ишнинг илмий янгиликлари. Ишнинг илмий янгилиги кўйидагиларда ўз аксини топган: Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон сиёсий ҳаётида тутган ўрни аниқланди; Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий асосларини аниқлаб беришга ҳаракат қилинди; Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда олиб борган ташқи сиёсатининг хусусиятлари белгилаб берилди; Бобурийлар давлати билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги сиёсий дипломатик муносабатлар қиёсий таҳлил қилинди; Бобурийлар давлати билан Афғонистон ва Эрон давлатлари ўртасидаги сиёсий дипломатик муносабатлар қиёсий жиҳатдан ўрганилди; Бобурийлар давлатининг юқорида кўриб ўтилган давлатлар билан элчилик алоқалари батафсил ёритиб берилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий иши материалларидан “Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва дипломатия” фанлар ҳамда “Ўзбек дипломатияси”, “Хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ички ва ташқи сиёсати” каби махсус курслар бўйича ёзиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг назарий-методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида баён этилган давлатчилигимиз тарихини, сиёсий-ҳуқуқий меъросимиз ҳамда қадриятларимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятимизни янада юксалтириш, тарихий тадқиқотларда илмийлик, холислик, объективлик, тўғрисидаги фикр ва ғоялари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, беш бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1-БОБ. ТАШҚИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ташқи сиёсат тушунчасининг назарий асослари

Ташқи сиёсат халқаро майдонда давлатларнинг алоҳида ҳаракатланишига ундайдиган ва ҳар бир шундай ҳаракатнинг натижасига таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Ташқи сиёсат деганда ҳар бир давлатнинг халқаро муносабатларда тутган умумий йўналиши тушунилади.

Ташқи сиёсат давлатнинг фаолият соҳаси сифатида муайян мухторияти ва аниқ ифода этилган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунинг устига у ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир соҳасида аниқ вазифа, предмет ва услубга эга. Шунга мувофиқ, ушбу соҳаларнинг ўзига хос хусусияти давлатнинг ташқи сиёсати шаклига қайтадан қурилади. Масалан, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ташқи сиёсат қатор муҳим сиёсий, ҳарбий-техник, гуманитар масалаларни ечишни, ушбу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорликни таъминлашни мўлжаллайди. Давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ўзаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролли кучлар жангавор тайёргарлигини оширишга йўналтирилган ҳарбий соҳада биргаликда фаолият юритишни кўзда тутди¹.

Ташқи сиёсат ички сиёсат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қандай давлат ўз миллий маанфатлари асосида ташқи сиёсий йўналишини белгилайди. Масалан; давлатлар сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда муносабатларга киришадилар ва шу орқали ўз ташқи сиёсатини амалга оширадилар. Ташқи сиёсат танланган йўлни амалга оширишдаги мақсад ва вазифаларни ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этиш воситалари, шакл ва усуллари белгилайди².

¹ Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар, -Т.: Академия, 2007. – Б. 7-8.

² Цыганков П.А. Теория международных отношений. Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2003. – С. 30.

Ташқи сиёсий фаолият олиб бориш янги мустақилликка эришган мамлакатлар учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб сифатида давлатларнинг ўз суверенитети ва мустақил сиёсий қарорлар қабул қилиш қобилиятини сақлаб қолишга бўлган интилишларидир. Ташқи сиёсий фаолият олиб бориш жараёнини биргина Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, мамлакат мустақилликка эришган дастлабки йилларда давлат ва ҳукумат раҳбарлари олдида турган энг муҳим масала ташқи сиёсий йўналишни белгилаш ва у асосида ҳаракатланиш эди. Шундан келиб чиқиб давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ташқи сиёсат йўналиши ҳақида айтилган қуйидаги фикрларни келтириш ўринли: “Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган”¹.

XXI асрда халқаро муносабатлардаги мувозанат тубдан ўзгариши натижасида ташқи сиёсат тушунчасининг назарий асосларида ҳам сезиларли ўзгаришлар юзага келди. Ташқи сиёсат сиёсатшунос олимлар тамонидан турлича талқин этилмоқда. Дунё давлатларида хусусан Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар давлатлар олдида турган ечилмас муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси давлатнинг иқтисодий–ижтимоий тараққиёти, хавфсизлиги ҳамда давлат ва унинг фуқаролари ҳуқуқи ва манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилишини таъминловчи муҳитни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат. –Т.:Ўзбекистон, 1996. Т.1. –Б.108.

барпо этишдир¹. Бундай муҳитни вужудга келтиришда ҳар бир давлат хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатади. Давлатлараро муносабатларни амалга оширишда ташқи сиёсат ўзининг асосий воситаси бўлмиш дипломатияга таянади.

Давлатнинг ташқи сиёсатини таҳлил эта туриб, турли хил методологик ёндашувларга таянган ҳолда иш олиб бориш мумкин. Америкалик тадқиқотчи Г. Аллисон ёндошувига кўра, ташқи сиёсатнинг шаклланиши уч асосий моделга ажратилади²:

Биринчи модел – классик, унга кўра ташқи сиёсат иштирокчисиининг англланган, мақсадли ва аниқ ҳаракати натижасига боғлиқ (бутун давлат, ҳукумат ёки унинг раҳбарлари).

Иккинчи модел – ташқи сиёсатга ташкилий ҳаракат ва жараёнларнинг мажмуи давоми сифатида ёндашув;

Учинчи модел – ташқи сиёсат бу худди идоралар ва уларнинг етакчиларининг ҳукумат ичида сиёсий аралашуви натижалари сифатида содир бўлади.

Ташқи сиёсатдаги классик қараш геосиёсатдаги сиёсий реализм концепциясига ўхшаш ва Г.Аллисоннинг биринчи моделига мос келади. Ушбу модел ташқи сиёсат давлатнинг ҳаракати билан характерланишини назарада тутди. Давлат ягона ва бутун тана сифатида инсонга қиёсланади. Сиёсатдаги бу турдаги қарашлар қадимги дунё ва ўрта асрлардаги халқаро муносабатлар, монархлар ўртасидаги муносабатлар сифатида қарашга тўғри келади. Ташқи сиёсатдаги бундай тушунча авторитар ва тоталитар тузумларда давлатнинг ташқи сиёсий курси даҳо ёки диктатор деб аталувчи ягона шахс томонидан белгиланади, бунда яқин атрофдаги шахсларнинг иштироки минимал даражада бўлишида ифодасини топади.

Айрим тадқиқодчилар томонидан ташқи сиёсатга реалистик ёндашув танқид остига олинган эди ва сиёсий реализм концепциясига алтернатив

¹ Мирқосимов С, Рахимова М. Дипломатик ва консуллик хизмати: саволлар ва жавоблар. –Т.:Академия, 2009. –Б. 7.

² Ланцова С.А. Ачкасов В.А. “Мировая политика и международные отношения” СПб:Питер, 2007. –С. 266.

тарзда Ж.Розенаунинг концепцияси характерланган эди. Бу концепция, Г.Аллисон таъкидлаган ташқи сиёсат шаклланишининг иккинчи моделига мос келади. Ушбу модел давлат тушунчаси турли хил ташкилий тизимларнинг яқдиллиги ва ҳеч қандай бир хиллик хусусиятга эга бўлмаган институт сифатида кўришга асосланган.

Халқаро сиёсат масалаларида давлатлар ўта мураккаб ва комплекс хусусиятига эга ва бу жараёнларда бутун жавобгарликни ўз бўйнига олувчи ташкилий тузилмаларнинг фаолият олиб боришини талаб этади.

Давлатлар томонидан ташқи сиёсий фаолиятда фойдаланилувчи захиралар (воситалар) (сиёсий-дипломатик, иқтисодий, ҳарбий, ҳуқуқий, информацион ва бошқалар) унинг алоҳида ташкилий-тузилмавий идоралари (ТИВ, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқалар) ихтиёрида бўлади. Қачонки юқори давлат ҳокимияти ташқи сиёсий мақсадларга эришишда бирор бир алтернатив воситани танласа, у давлат аппаратидаги мос келувчи ташкилий тузилма имкониятига таянади. Айти шу тузилмалар давлатнинг ташқи сиёсий қарорлар қабул қилишида ахборотларни тақдим этади. Ушбу тузилмалар хусусияти ва йўналишидан келиб чиқиб халқаро муаммолар юзасидан ахборотлар тўплайди ва қайта ишлайди. Мисол учун ҳарбий идоралар миллий хавфсизликнинг сиёсий-ҳарбий жиҳатларига диққатни қаратсалар, дипломатлар эса ушбу масаланинг бошқа қирраларига эътиборни қаратадилар¹.

Барча турдаги давлат аппарати таркибидаги ташкилотларнинг фаолияти шакллантирилган ва дастурлаштирилган, уларнинг эришишлари зарур бўлган мақсад ва воситалар олдиндан чизиб қўйилган чегара доирасида белгиланади. Ҳар бир ташкилотда масалаларни ҳал этишда чекланган ҳуқуқлар мавжуд. Ташкилотларнинг вазифалари белгилаб қўйилган, мувозанатда ва фақатгина айрим юзага келган ҳолатлардагина сезилар-сезилмас ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ҳар бир ташкилий тузилманинг вазифалари олдиндан белгилаб берилган бўлсада айрим

¹ Цыганков П.А. Теория международных отношений. Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2003. – С. 33.

фавкулотда вазиятларда уларнинг фаолиятларида кесишиш содир бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат марказий ҳокимият томонидан вазифаларни белгилашда аниқлик киритилишини талаб этади. Олий ҳокимият сиёсий йўналишни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш маъсулиятини ўз зиммасига олади, айнан у қайси ташкилот у ёки бу масала билан шуғулланишини белгилаб беради. Аммо Г.Аллисоннинг фикрига кўра марказий ҳокимият ташкилотларнинг ҳар кунлик фаолияти билан шуғуллана олмайди, аммо уни фақатгина назорат қилиб тура олади¹. Аллисон яна ташкилотларнинг фаолиятини узоқ муддат режалаштириш мумкин эмас, агар бундай ҳолат мавжуд бўлса у фақатгина расмий ҳарактерга эга бўлишини таъкидлайди.

Г.Аллисон умумий ташқи сиёсий мақсадларни шакллантиришда давлат аппарати таркибига кирувчи алоҳида тузилмалар ўзларининг низом доирасидаги манфаатларинигина кўзлашларига эътибор қаратади. Улар бюджетдан молиялаштирилишининг қисқартирилиши ва бошқа тузилмалар фаолияти доирасига тушиб қолиш сингари салбий ҳолатлардан қочиш учун интиладилар. Шу ҳолатга боғлиқ тарзда Аллисон учинчи моделга мос келувчи бюрократик концепцияни илгари суради.

Ташқи сиёсий мақсадга эришишнинг турли тамойиллари, услуб ва механизмларга таянади. Дипломатия ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизми ҳисобланади².

Ташқи сиёсатнинг бюрократик концепцияси ташкил этиш назариясига асосланади ва шунингдек, давлатнинг ташқи сиёсатини, ташқи сиёсий курсини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этишда иштирок этувчи идораларни кузатиш, ҳар доим улар ўртасидаги мураккаб муносабатларда акс этишини тан олган ҳолда тўлдиради. Бу каби ҳар бир лоббилаштирилган ҳолда фаолият олиб боровчи идоралар ўртасида конфликт ҳолати, манфаатлар тўқнашуви, раҳбарлар ташкилотчилиги каби ҳолатларни олдинга суради. Бу каби мураккаб ҳамкорлик ёки ташкил этилган

¹Ланцова С.А. Ачкасов В.А. “Мировая политика и международные отношения” СПб:Питер, 2007. –С. 267.

² Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар, -Т.:Академия, 2007. – Б. 8.

хокимиятлар бўлиниши сиёсий тизимга (демократияда) ёки саройдаги фитналарга (авторитар ва тоталитар сиёсий тизимларида) таъсир этиши мумкин¹.

Аниқ сиёсий курс атрофидаги сиёсий-бюрократик тажриба ва технологияси Х.Киссенжер, И.Десртлер, Р.Акселдор, Д.Дейвис, Г.Аллисон, М.Хелперин ва бошқаларнинг ишларида тўлалигича ёритилган ва Х.Киссенжернинг ёзишича: «Америка ташқи сиёсатига ўхшаган нарса мавжуд эмас. Белгиланган натижага яқинлаштирувчи қадамлар давомийлиги мавжуд, улар натижаларга эришиш учун режалаштирилмагандир»².

Қарор қабул қилишда келишувчи томонлар муаммонинг ечимига тегишли бўлган ўзаро муносабатларда нафақат прагматик қарашларга, балки бир-бирига бўлган муносабатларда очик, тушунарсиз сиёсий ёки маълум ҳуқуқий мақом устида келишув қаратилган қарашларда бўлиши мумкин. Одатда сўнгги ўринда, мавҳум ечим қабул қилинади, аммо бундай ечимларга сиёсий қарор қабул қилаётган гуруҳлар ичидаги компромисс орқали келишувга эришиш мумкин. Ташқи сиёсатни шакллантириш ва ҳаётийлигини таъминлашда ўринга эга бўлган элита ва босим ўтказувчи гуруҳлар бу каби келишув фактларини тан олиш ва унинг ташқи сиёсий қарорлар учун мустасно ҳолатдаги юқори аҳамияти тадқиқот учун муҳимдир. Тўлалигича сиёсатни ва қисман ташқи сиёсатни белгилашда элита ва босим ўтказувчи гуруҳларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг эҳтимолий таъсирига оид обектив омиллари ҳақида Г.Алмонд, Г.Колко, Б.Коэн, С.Р.Миллс, П.Мотт, Ф.Хантер ва бошқа тадқиқотчилар ишларида тўлалигича баён этилган.

Ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг шаклланиш ва ҳаётга тадбиқ этилиши жараёнида Г.Аллисон томонидан таъкидланган уч моделнинг элементларини кўриш мумкин. Шунинг учун тажрибадан келиб чиқиб барча назарий концепцияларга эътибор қаратиш лозим. Улар турли хил жиҳатлар

¹ Ланцова С.А. Ачкасов В.А. “Мировая политика и международные отношения” СПб:Питер, 2007. –С.268.

² Ўша жойда, –С.268.

ва ташқи сиёсий жараёнлар каби мураккаб ва кўп қиррали тушунчаларнинг томонларини ўзида акс эттиради.

Таниқли дипломат, фахрий профессор С.Мирқосимов ўз китобида ташқи сиёсатга қуйидагича таъриф беради. Ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ҳавфсизлиги ҳамда давлат ва унинг фуқоролари ҳуқуқи ва манфаатларини чет элларда ҳимоя қилишини таъминловчи муҳитни барпо этишдир. Бундай муҳитни вужудга келтириш учун ҳар бир давлат қўшни ва узоқдаги давлатлар билан алоқа ўрнатади, муносабатда бўлади, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга интилиб, музокаралар олиб боради ва ниҳоят у ёки бу масала бўйича муайян келишувга эришади. Давлатлар ўртасидаги айнан ана шу алоқалар “давлатлараро муносабатлар” тушунчасини ифода этади. Халқаро давлатлараро муносабатларни амалга оширишда ташқи сиёсат ўзининг асосий воситаси бўлмиш дипломатияга таянади¹.

Демак, ташқи сиёсат назарияси асослари—бу у ёки бу давлатнинг ички омиллари эвазига олиб борадиган ташқи сиёсатини тушунтиришга уриниш, сиёсий режим, демократик ёки авторитар сиёсий маданият, иқтисодий стратегия, ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда ишлайдиган институтлар, ташқи сиёсий курс, сиёсий фаолиятга таъсир қилувчи томонлар ёки иштирокчилардир. Бундай йўналишда тадқиқот олиб борувчи олимларнинг фикрича, ташқи сиёсатга ёндашув—жаҳон тизими ишларини умумий ўрганишдагина ишончли ва тўлиқ ҳисобланади. Масалан, де Месквита “Халқаро сиёсат принциплари” номли ишида кўрсатиб берадики, лидерлар ўз шахсий манфаат ва мақсадларини давлат бошқаруви ва қарорлар қабул қилишга тикиштиради ва бунда ўз-ўзидан ички сиёсатнинг ташқи сиёсатга таъсирини, кейин эса жаҳон тизимига таъсирини кўришимиз мумкин².

¹ Мирқосимов С, Рахимова М. Дипломатик ва консуллик хизмати: саволлар ва жавоблар. —Т.: Академия, 2009. —Б. 7.

² Шарапова С, Каримова Н, Шарапов А. Внутренняя и внешняя политика зарубежных стран востока и запада. — Т.: Фан, 2006. —С. 9.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан буён халқаро муносабатлар соҳасида уч асосий гуруҳ иш олиб бормокда, булардан бири ўз ишларида жаҳон тизимини қамраб олса бу назарий ёндашув система доирасида ҳисобланар эди. Агарда, у ёки бу давлат ташқи сиёсати сифатида ўрганилса давлат даражасидаги ишлар қаторига кирар эди. Ва ниҳоят индивидуал даража, унда ишлар сиёсатчи ёки сиёсий гуруҳларнинг психологик сифатларини кўрсатиш доирасида амалга ошади.

Ташқи сиёсат – халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсий идораси ва бошқа структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадамлари сифатида ҳам қабул қилинади¹.

Ҳар ҳолда, ушбу масалалар миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича давлатнинг ташқи сиёсий механизми куч-ҳаракатлари шаклида намоён бўлади ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жараёнларида, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда, тегишли давлатлараро ташкилотлар тузиш ва бошқаларда акс этади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ташқи сиёсат давлатни халқаро майдонда ўз ўрни ва овозига эга бўлишида муҳим воситадир.

Иккинчидан, ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатнинг геосиёсий, геостратегик хусусиятларидан келиб чиқувчи тўғри йўналтирилган ташқи сиёсий қарорларига боғлиқ.

Учинчидан, ташқи сиёсатни белгилашда давлатлар классик ва замонавий назарияларни ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсий йўналишни белгилаши мақсадга мувофиқ.

¹Жўраев С. .Замонавий халқаро муносабатлар . –Т.:Академия, 2007. –Б. 46.

1.2. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ташқи сиёсатининг тадқиқ этишининг назарий асослари

Бобурийлар жаҳон сиёсатида ўчмас из қолдирибгина қолмай, улар олиб борган сиёсат, иқтисод, ўз даврида Бобурий шахзодалар моҳир сиёсатчи бўлганидан дарак беради.

Тарихдан маълумки, Бобурийлар сиёсати дунёнинг қатор олимлари ва тарихчилари тамонидан узоқ вақтлар давомида ўрганиб келинган.

Бобурийлар ташқи сиёсатини тадқиқ этар эканмиз, бобурийлар сулоласига мансуб ҳукумдорлар ҳақида сўз борар экан, улар Туркистонни ўзларининг “ҳақиқий” она юртлири ва темурийлардан мерос қолган ҳудуд деб қарашлари уларни икки аср яъни Ҳиндистонда мусулмонлар ҳукумронлик қилган, энг диққатга сазовор даврда давлатни бошқарган биринчи олти бобурий, уларни кўпчилиги Туркистонни кўрмаган бўлсада, “она” юрти деб билиб мустаҳкам алоқаларни ўрнатиб келганликларини кўрамиз¹.

Бобурийлар Ҳиндистонда ўз ҳукумронликларини мустаҳкамлаб олганларидан сўнг, ташқи дунё ҳукумронлари уларни Темурийлар ҳонадони давомчилари сифатида тан олишни лозим топдилар. Эрон шоҳи шоҳ Аббос Жаҳонгирга йўллаган ҳатида “ушбу номани Кўрагон тахтида ўтирган зотга ва Темур тожининг меросхўрига йўллайман” деб ёзди².

Бобур ҳинд юриши арафасида маҳаллий ҳиндпараст аҳолининг руҳияти ва кайфиятини ўрганган америкалик муаррих Персивал Спейир, жуда муҳтасар равишда жамиятда ҳукум сурган сиёсий аҳвол ҳақида баён этган. Уни таъкидлашча “Индуизимда интеллектуал ва социал фаоллик мавжуд бўлишига қарамай у ҳар икки жиҳатдан ҳам ўзига нисбатан терс ғоялари, куч

¹ Ўзбекистон дипломатияси тарихидан, тарихий очерклар ва лавҳалар. –Т.:ЖИДУ, 2003. –Б.105.

² Tuzuk-i-Jahangiri, tr.Rogers A, ND. 1978. TJ.-P. 112.

кудрати ва тажрибасига эга исломга мослашганлиги учун, хиндлар ўша кезлари бирор бир катта ҳаракатлар олиб боришга тайёр эмас эди”¹.

Шу ерда яна бир тарихчи Ибн Баттутанинг эсдаликларида қайд этилган ибораларга назар ташлайдиган бўлсак “Барқарорликда яшаш учун хиндларни зўрлаб исломга ўтказиш кутилган натижаларни бермаганлиги ва шундан сўнг талай маҳаллий ҳукумдорлар уларга бағри кенглик билан муносабатда бўлганлигини таъкидлаб ўтган”²

Бобур Ҳиндистонда ўз мавқеини тиклаш борасида катта тўсиқларга тўғри келганини кўришимиз мумкун. Аммо уни олиб борган сиёсати, маҳаллий аҳолидан давлат ишларида жалб этилишга тушганликлари, Бобур ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган.

Бобур ўз ташқи сиёсатини белгилашда ҳар тамонлама муносабатларни инобатга олган ҳолда олиб борди. У давлатни мустаҳкамлаб олгунга қадар кўшни давлатлар билан ўзаро сиёсий дипломатик муносабатларни ривожлантириши уни ташқи сиёсатни тўғри белгилагани, давлатда ички сиёсатига монанд равишда олиб боргани ғарб олимлари тамонидан юксак боҳоланган.

Бобур давлат тепасига келгандан бошлаб токи кетгунга қадар олиб борган сиёсати шу билан диққатга сазоворки, Бобур барпо этган марказлашган давлатнинг энг ҳаётбахш ҳарактерли хусусияти, яъни диний муросалик руҳияти, келгусида унинг салкам уч асрлик тарихга эга бўлган “Буюк муғуллар” аталмиш маҳаллий-ҳинд сулоласи мақомини баҳш этди³.

Бобур ҳақида бири иккинчисини такрорламайдиган, инкор этувчи таҳлилларга дуч келамиз. Бобурийлар ташқи сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий асосларини С. Лен-Пул, Денисон Росс, К.А. Антонова, У Эрскин, Х.Ламб ва С.Азимжонова каби тадқиқодчиларнинг илмий-тадқиқий хулосалари сўзсиз эътиборга сазовордир.

¹ Низомиддинов И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва хинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008. –Б.101.

² Ўша жойда. –Б.101.

³ Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Монгола. Пер. С французского Жуховецкого Б. И Томара М. М.-Л., Соцэкгиз. 1936. –Б.89

Бобурнинг давлат арбоби билимдон сиёсатчиларга хос хусусиятлари Шимолий Ҳиндистон шароитида энг нозик ҳиндларга нисбатан диний муҳолифатда бўлишдан воз кечиш каби масалаларга нисбатан тўғри ёндашиши ҳал қилувчи рол ўйнайди¹.

Бобур вафотидан сўнг бир муддат сиёсий тарқоқлик юзага келган бўлсада, Акбаршоҳ бобоси каби 13 ёшида Байрамхон кўмагида давлат тепасига келган бўлсада, у худди Бобуршоҳ сингари иқтидорли сиёсатчи бўлиб шаклланди. У марказлашган давлатга асос сола олди ва Ҳиндистон ярим оролини бирлаштирди, барқарор сиёсий мустақил давлатга асос солди.

Америкалик тарихчи олим Ричард Фольц ўз китобида бобурийлар сиёсатига шундай тариф беради “Ўша даврда мусулмон дунёси кўп жиҳатдан бир дунё эди”². Бу ерда у ислом маданиятининг бирлаштирувчи куч эканини таъкидлайди. Ўша давр Ҳиндистони маданияти учун ёт бўлган ислом маданиятининг ёйилишида Бобур ва бобурийлар сулоласи вакилларининг ўрнини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Ҳиндистонлик тарихчи олим Рамеч Чандра Варма ўзининг “Akbar and Abdulla Khan” (“Акбар ва Абдуллаҳон”). асарида Туркистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни Акбаршоҳ даврида ривожланиш чўққисига чиққанини, Абдуллаҳон элчиси Олтамиш Акбар ҳузурига келганини ва шу элчи орқали Акбаршоҳ Абдуллаҳон билан дўстлик муносабатини ўрнатишга рози эканини билдиради³.

Давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Акбаршоҳга қуйидагича таъриф берди “Ниҳол экилгандан сўнг уни мевасини сифатига қараб баҳоланса, ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўҳна орзун қайта тиклаган Акбаршоҳ даври, худди ўша Бобур давлат арбоби сифатида ҳинд сарзаминига ўтказган ниҳолнинг меваси эмасмиди”⁴?

¹ Бобур ва Бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. Т.: ЎзРФА Фан, 2008. –Б.35.

² Richard C.Foltz. Mughal India and Central Asia. Oxford, 1998. -P. 23.

³ Ramesh Chandra Varma. Akbar and Abdulla Khan. “Islamic Culture”, Vol. XXI, №2, 1947, Hyderabad, -P.330.

⁴ Ўзбек дипломатияси тарихидан. Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети. Т., 2003. –Б.112.

Низомиддиновнинг “Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти” номли асарида Жаваҳарлал Нерунинг Акбаршоҳга берган яна бир таърифида “Акбаршоҳ бобурийлар тарихида биринчи марта тили, дини эътиқоди, урф-одати ва шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий жиҳатдан турли тараққиёт босқичларидаги халқлар, элатлар ва қабилалардан иборат халқлардан ташкил топган мисли қўрилмаган қудратли давлатга эга бўлди” ва “Буюк муғуллар” давлати фақат Акбар даврига келиб Ҳиндистонда ҳинд салтанати қиёфасида қарор топди”¹.

Албатта, Бобурийлар ташқи сиёсатини ўрганишда Жаваҳарлал Нерунинг манбаларига таяниб, Бобур сингари Акбаршоҳ ҳам Ҳиндистон ташқи сиёсатини пухта қўзланган стратегия асосида олиб борганини қўришимиз мумкин.

Акбаршоҳ бу қадар харбий, сиёсий, иқтисодий кучга ҳамда географик кенгликларга эга салтанат асосчиси бўлиш билан бирга, ташқи сиёсатга ўз фаоляти давомида ўзига яқин қўшни давлатлар билан сиёсий муносабатларида мактубот омилига ҳам катта сиёсий–дипломатик аҳамият берган. Ана шундай ҳужжатлар сирасидан саналган ва сақланган “Акбаршоҳ Ғозийнинг Турон мамлакати сипоҳдори Абдуллахон Ўзбекка ҳитобномаси”да Акбаршоҳ кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат бўлганидан дарак боради. Шу билан бирга у ташқи сиёсатни олиб боришда мамлакат ички сиёсат барқарорлигини таъминлашга қаратилгани, ўша даврдаёқ бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслиги, диний низоларга сиёсий тус бермасдан ўз ақли ва заковати билан ҳал этиши уни кучли дипломат бўлганидан дарак беради.

Ғарб олимлари таъкидлашича Акбаршоҳ салтанатининг келгуси тараққиёти учун зарур бўлган ҳинд ҳамжамияти икки эътиқод, яни ҳинд-мусулмон бирлигига, уларни фақат ўзаро руҳан яқинлаштириш орқали эришиш мумкинлиги Акбаршоҳ олдиндан билган ва кучли дипломат

¹ Низомиддинов.И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008. –Б.110.

эканлиги боис, шу билан бирга бу ишда бҳактизм, сўфизм ва сикҳийзм ғоялардан хабардор бўлганлиги ва уни фикри эркин бўлганлиги боис муаммоларга барҳам бергани, Акбаршоҳ ички сиёсат каби ташқи сиёсатни йўлга қўя олган дунё шоҳлари орасида буюк ҳурматга сазовор деб билишган¹.

Шуниси ҳақиқатки, Акбаршоҳ ёши улғайиши билан анъанавий мусулмон дунёқарашларга нисбатан муносабатида ўзгаришлар сезила бошлади. Бу эса уни аввало диний эътиқод қарашларга бўлган ўзига хос қарашлари, хусусиятлари устиворлигидан эди. Акбаршоҳнинг ўзга диний таълимот ва маданиятга бўлган жонли қизиқиши уламоларда норозилик кайфиятини кучайтирсада, ҳукумдорни шахсиятида ўз фикр-мулоҳазаларидек қатъийлик шунчалик ифода топа борди. Бундан шуни билиш мумкунки, Акбаршоҳ давлат ички-ташқи сиёсатини белгилашда ўзининг билимларига таянган ва вазиятни тўғри баҳолаб қарор қабул қила олган моҳир дипломат бўлган.

Ташқи сиёсатни амалга оширувчи дипломатияда бобурийлар жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ташқи сиёсат олиб борганлар. Бобурийлар элчиларни танлашда бошқаларни ҳайратга соладиган кучли, салоҳиятли диний, дунёвий билим етук бўлган шахсларни танлаганлар. Ричард Фольц бу ҳолатни шундай таърифлайди. “Шуни таъкидлаш лозимки, ислом дунёсида қабул қилинган анъанага боғлиқ элчилик лавозимида кўпинча дин арбоблари тайинланган. Бу борада яна шуни назарда тутиш керакки, айрим ҳолларда ёмон хабар олиб келган элчиларни қатл қилинмасликлари учун шундай қилинган”².

Демак, Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда бўлишидан қатъий назар, улар ислом динини мукаммал билишган. Шу сабабли ҳам улар элчиларни дин арбобларидан танлаганлар, чунки бобурийларнинг асосий дипломатияси Шарқ давлатлари билан, яъни Туркистон, Афғонистон, Эрон

¹ Синха Н.К., Банержи А.Ч. История Индии. М.1954. –С. 242.

² Richard C.Foltz. Munghal India and Central Asia, -P. 55.

каби Ислом давлатлар билан олиб борган. Давлатларга дин арбобларининг элчи сифатида юборилиши улар ўртасидаги муносабатларнинг янада кучлироқ ривожланишига замин яратган. Демак, мусулмон биродарлиги, ислом омили уларни ҳар доим бирлаштириб турган. Улар ўзларининг элчилар орқали жўнатган мактубларида Ислом динининг муқаддас китоби Қурони Каримдан келтирилган Сура оятлари билан ўзларини муносабатларини билдирган. Шу сабабдан ҳам Ричард Фолтс бунга катта аҳамият бергандир.

Бобурийлар ташқи сиёсатида маданий дипломатия ҳам муҳим аҳамият касб этган. Акбаршоҳ юбораётган элчиларга борган мамлакатларида қандай маданий ёдгорликлар, ёки янгиликлар бўлса, уларни кўриб ёки улардан нусха олиб қайтишни буюради. Шу сабабдан бобурийлар салтанатига борган Шарқ олим ва уламоларининг ноёб китоблари ҳали ҳануз европалик, америкалик ва бошқа юрт тадқиқотчилари томонидан ўрганилмоқда. Масалан, элчи Ҳаким Ҳумом Акбаршоҳ учун султон Ҳусайн томонидан ёзилган кабутарлар ҳақидаги китобдан икки нусхадан олиб қайтди¹.

Туркистон ва Ҳиндистондаги бобурийлар империяси ўртасидаги сиёсий дипломатияни таҳлил этар эканмиз, бу алоқалар кўпроқ икки томоннинг сафавийлар сулоласи ҳукумронлик қилган Эронга қарши курашда иттифоқ тузиш режасини амалга оширишни кўзлаб олиб борганини таҳмин қилиш мумкин. Бу борада уччала томон ҳам муайян манфаатларни кўзлаб, яъни ўз чегараларига яқин ҳудудларни, хусусан Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ерлари устидан назорат ўрнатиш учун кураш олиб борганлигини кўришимиз мумкин².

Ҳиндистон бобурийлар даврида иқтисодий, сиёсий, барқарорлик ҳукм сурганини америкалик олим Ричард Фольцнинг қуйидаги фикрларидан билиш мумкин. Кўплаб нуфузга эга бўлган туркистонликлар Ҳиндистонга

¹ Islam, Riasul. A. Calendar of Documents on Indo-Persian Relations., Karachi, 1979-1982. –P. 218

² Семёнов А.А. “К вопросу о культурно-политических связях Бухары и Великомонгольской Индии в в. Материалы 2-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. Изд-во АН СССР, М. 1959. –С.153.

келиб, бобурийлар хизматига ўтди. Уларга саройда катта амаллар ва ерлар тортиқ қилинди¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бобурийлар олиб борган ташқи сиёсат дунё шарқшунос ва тарихчи олимлари тамонидан ўрганилди. Юқорида қайт этганимдек, бобурийлар ташқи сиёсатининг кўп жиҳатлари тадқиқ этилган ва улар олиб борган ташқи сиёсат ўзининг айрим хусусиятлари билан тақсинга лойиқдир. Бобурийлар ташқи ва ички сиёсатида ислом омили муҳим аҳамият касб этади. Улар ислом динига ва мусулмонларга ўзгача ҳурмат билан қараганлар. Ислом динига бўлган кучли синмас эътиқоди сабабли улар Эронга қулай фурсат туғилганда ҳам юриш қилмадилар, бу эса уларни нақадар кучли эътиқодидан, моҳир дипломатлигидан далолат беради.

¹ Richard C.Foltz. Munghal India and Central Asia, -P.59.

2 БОБ. БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ

2.1. Бобурийлар даврида сиёсий вазиятларнинг ўзига хос хусусиятлари

Тарихдан маълумки, Бобурийлар давридаги сиёсий вазият ўзига хос томонлари билан ажралиб турган. Шох Бобур давлат тепасига келгандан кейин Ҳиндистон ички ва ташқи сиёсати ўзгара бошлади, бу даврга қадар Бобур қисқа вақтда бир неча маротаба Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлди. У 12 ёшидаёқ Мовароуннаҳрдек кучли салтанатни бошқарди, шу сабабли унда сиёсий онг шаклланиб улгурган, салтанат ташқи ва ички сиёсатини яқдил ўзи белгилайдиган даражада кучли билим салоҳиятга эга эди. Бобур Ҳиндистонни қўлга киритганидан сўнг аҳолига бошқа ҳукумдорлар сингари тазйиқ ўтказмади, аксинча у мамлакатда тинчлик, фаравонликни таъминлашга, барқарор ҳаёт яратишга, аҳолини турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ислохотлар ўтказди. Бобурни одиллик билан олиб борган сиёсати Ҳиндистонни ривожлантириш, иқтисодий юксалтиришга қаратилган эди.

Бобурий султонлар Ҳиндистонда ўз фаолиятлари давомида (давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда ва ҳоказоларда) кўпинча Темурийлар давридаги қонун-қоидалар, анъаналар, расм-русумларга амал қилганлар.

Бобурнинг сиёсий қарашларида марказий ўринни давлат ва давлат бошқаруви эгаллайди.

Бобур давлатлар ҳақида фикр юритар экан, уларни икки турга ажратган:

1. Адолатли, марказлашган давлат;
2. Адолатсиз тарқоқ давлат.

Ҳамиша адолатли, марказлашган давлат тарафдори бўлган Бобур, давлатни адолатпарвар, маърифатпарвар подшоҳ бошқариши лозим, деб ҳисоблаган.

У адолатсиз, тарқоқ давлат ҳақида салбий фикр билдирган. Бобурнинг фикрича, адолатсиз давлат бошқаруви ҳисобланган қўш ҳокимиятчиликнинг салбий томони шундаки, бунда ҳар икки подшоҳдан биронтаси ҳам давлатни ҳимоя қилиш, қўшинга қўмондонлик қилишда шахсий масъулият ҳамда ташаббусни ўз зиммаларига олмайди ва натижада мамлакат душман томонидан босиб олинади.

Бобурнинг давлат тўғрисидаги қарашларида адолатли, марказлашган давлатнинг наъмунаси бу–Амир Темур салтанати, бошқарувининг энг мақбули бу–Соҳибқироннинг давлат бошқаруви эди¹.

Бобурийлар даврида сиёсий вазият ўзига хос хусусиятларини тарихчи Ибн Баттутанинг ўз эсдаликларида шундай қайд этилган: “Барқарорликда яшаш учун ҳиндларни зўрлаб исломга ўтказиш кутилган натижаларни бермаганлиги ва шундан сўнг талай сезгир ҳукумдорлар уларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиб, ниҳоят, туб аҳолидан давлат ишига жалб этишга тушганликлари”, Бобурнинг ўзига хос ички сиёсати бўлган десак муболаға бўлмайди².

Кучли сиёсатчи бўлган Бобур ҳинд маданиятига ҳурмат билан қараб, маданиятни ривожлантиришни, илм-фаннинг ривожланишини давлат сиёсати даражасигача олиб чиқди. Буюк ҳинд халқининг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузими, қадимий маданияти, миллий анъана ва урф-одатлари, қўшни мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи билан ҳам чамбарчас боғланган.

XVI асрнинг биринчи чорагида Ҳиндистонда Иброҳимшоҳ Лўдий ҳукмронлик қилаётган йилларда давлат ичида низолар бошланиб, шоҳга қарши ҳаракатлар кучайди. Унинг амирларидан Давлатхон Лўдий ва Аъламхон Лўдий Иброҳимшоҳга қарши курашда Бобурни ёрдамга чақирадилар. Бобур Ҳиндистонга юриш режаларини тузади, биринчи

¹ Хусанбоев О. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари // Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар. Илмий-назарий анжуман материаллари. –Т., 1994. –Б. 63

² Низомиддинов.И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008. –Б.101.

навбатда Панжоб вилоятини ишғол қилишни мўлжаллайди. Зеро, у Панжобни улуғ бобоси Амир Темурдан қолган мерос деб ҳисобларди¹.

Бобур Қобулдан Ҳиндистонга беш марта юриш қилади. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда машҳур Панипат жанги бўлади. Бу жанг Деҳли ҳукмдори Иброҳим Лўдий билан бўлиб ўтади. Лўдийнинг юз мингга яқин қўшини ва мингга яқин жангари филлари бор эди. Бобурнинг эса ўн-ўн икки минг аскарга эга эди. Бу жангда Бобур янгича ҳарбий санъат – “тўлғама” усулини қўллайди. Етук саркарданинг кўп жангларда орттирган ҳарбий тажрибаси султон Иброҳимнинг тартибсиз кўп сонли қўшинини устидан ғалаба қозонишига сабаб бўлади.

Бобур ҳарбий араваларни бир-бирига қаттиқ боғлаб, ораларига қуролли мерган йигитларни жойлаштиради. Иброҳим Лўдий қўшинида кўп сонли жанговар филлари шай турганди. Жанг бошлангач, Бобур қўшинлари замбараклардан ўт очиб, душман олд қисмини талвасага солиб қўяди. Шундан кейин махсус қўшинлар душманнынг икки томонидан “тўлғама” усулида ҳужум қилиб, уни қуршаб олади. Жанг майдонида Иброҳим Лўдий ҳалок бўлади. Бобур бу жанг Шимолий Ҳиндистонни Деҳли ва Агра шаҳарларини қўлга киритади ва у ерда ҳукмронлигини ўрнатади. Шундан сўнг Бобур Шимолий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмини жорий этиб, бобурийлар сулоласига ва бобурийлар империясига асос солади. 1526 йил 27 апрел куни Деҳлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади².

Махаража Кришна Деварайя вафотидан сўнг мамлакатда унинг укаси Аъюта Кришнадеварайя (1530-1542 йй.) ва аъёнлардан Рама Райя орасида низолар бошланди. Аъюта ўлиmidан сўнг амалда давлатни Рама Райя бошқарди. Бижонагарга қарши Декан султонлари бирлашиб, 1565 йилда Толикот яқинидаги жангда Рама Райяни мағлуб этдилар. Шундан сўнг Бижонагарнинг парчаланиши бошланди. Империянинг собиқ вассаллари мустақил бўлдилар. Бу заминда янги хонлик – Майсур давлати пайдо бўлди.

¹ Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, Халқаро илмий анжуман материаллари. –Т.:Фан, 2008. –Б.35.

² Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.:Маънавият, 2003. –Б.6-7.

1529 йил 1 майда Бобур армияси Ганг дарёсини кечиб ўтиб, Гагра дарёсига яқинлашди. Афғонлар ва бенгалларга қарши 6 майда бўлган жангда Бобур Ҳиндистонда учинчи марта катта ғалабага эришиб, Шимолий Ҳиндистонни ўз тассаруфига ўтказди. Бобур бир-бири билан душманлик кайфиятида бўлган майда мустақил хонликлар (рожалар)ни секин-аста қурол ва музокара йўли билан бирлаштириб, то умрининг охиригача, яъни 1530 йилгача марказлашган йирик давлатни вужудга келтиради.

Бобур 1530 йил 25 декабрда 48 ёшида вафот этади. Жавоҳарлал Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” номли асарида Бобурга баҳо бериб, шундай ёзади: “Бобур ҳукмдор, довюрак, серғайрат ва эпчил инсон. У ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган”. “Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди, мамлакат қудрати ва шуҳрати ошиб, бобурийлар салтанатининг шуҳрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди,” - деб ёзади¹. Муаллиф Бобур ҳақида гапирар экан уни диний жаҳолатдан холи ҳукмдор бўлганлиги ва ҳиндистонликларнинг миллий урф-одатлари, расм-русумларини барбод қилмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Бобур довюрак шахс бўлганлигини эслатиб Неру унинг ҳам жанг майдонида, ҳам шеърят майдонида баб-баравар жавлон ургани ҳақида ҳайрат билан ёзади. Инглиз олими Эрскин У. Бобурга баҳо бераркан, “Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари зукко ва истеъдодли кишиларни камдан кам учратамиз. Ундаги ақлнинг актив фаолияти, хушчақчақлик, совуққонлик, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғуллана олиши жиҳатидан олиб қараганда Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ топа олмаймиз” деб ёзади². Муаллиф таъкидлаганидек, Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин

¹ Низомиддинов.И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва хинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008 –Б.114.

² Erskine W. History of India under the two first sovereigns the house of Taimur, Babur and Humaiyn, vol.1-2 London, 1854 – P.12

намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуг шохга мансуб бўлган фазилатларидан таркиб топган. У жасур ва тадбиркор ҳамда шижоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди¹.

XIX аср инглиз олими Эдуард Холден Бобур ҳақида қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: “Бобур, олижанобликка хос қандай хислатлар мавжуд бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган. Агар вақт ва шароитнинг хилма-хиллиги назарга олинса, у пайтда Бобур лашкарбоши, маъмур ва адабиётчи сифатида Цезарь билан бир қаторда туришга арзийдиган шахс бўлиб кўринади. Бобур севишга арзийдиган характердир”.

Йирик рус шарқшуноси С.П.Толстов ҳам Бобур ҳақида шундай сатрларни ёзган: “Фарғоналик Заҳриддин Муҳаммад Бобур – Шарқда уйғониш даврининг энг атоқли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир”.

Бобурнинг мероси хилма-хилдир. У ҳам шоир, ҳам ёзувчи бўлган, муסיқа илми, шеърий услуб ҳамда ҳарбий санъат ҳақида илмий рисоалар ёзган.

Ҳиндистондаги Бобур асос солган сулола 332 йил ҳукм суради. Бу йиллар Ҳиндистон учун катта инқилобий ўзгаришлар даври бўлди. Ҳиндистоннинг йирик давлат ва сиёсий арбоби ҳамда тарихчи олими Жавоҳарлал Нерунинг таърифича, бу йиллар зўр қудрат, шон-шухрат йиллари бўлди. Бу эса мамлакатда, биринчидан, ўзаро низолар ва қонли урушлар рўй бериб турган вақтда майда мустақил хонликларга барҳам берди, аста-секин марказлашган давлат пайдо бўлди. Иккинчидан, марказлашган алоқаларнинг ривожланишига имкон яратиб берди. Тинчлик туфайли моддий ва маданий ҳаёт тараққий этиб, бетакрор обидалар, қадриятлар яратилди. Учинчидан, ҳинд халқининг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари ва ҳамкорлиги кенг кўламда ривож топди².

¹ Эрскин Уильям. Бобур Ҳиндистонда. – Т.: Чўлпон, 1995. - Б. 102.

²Караматова Д. Бобур ва ҳинд маданияти//Гулистон, №1, -Б.32.

Ҳинд олими Л.П.Шарма Бобур шахсини тавсифлаб, “У саҳий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди. У киши калбини ва вазиятни дарҳол англаб оларди. Мусикага ва боғ яратишга жуда ишқибоз эди. Ҳиндистонда жуда кўп иншоотларни барпо этган”¹, - деб ёзади. Инглиз шарқшуноси Лейн Паул “Бобур Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс”, - деб таърифлайди².

Бобур инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермаган, у Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллаб, катта империяни вужудга келтирди. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнади.

Шоирлар орасида Шекспир қандай мавқеяда турса, Дунё шоҳлари ичида мен учун Акбар шундай мавқеяда туради.(Сер Уилям Слиман)

Бобурийлардан Акбаршоҳ даврида Ҳиндистондаги сиёсий вазият ўзига хослиги билан ажралиб турган, У йирик диний таълимотларни ўз ички сиёсатида хизмат қилиши учун лаёқатли томонларни янги дин – “Дини илоҳий”сида уйғунлаштириб ундаги “Тангри барчага баробар” тамойили мусулмон ва ҳинд дин пешволарининг мутаассиблик кайфиятига чек қўйди. У ҳатто ўз назариясининг амалий кўриниши сифатида, 1580 йил расмий қабул маросими вақтида ҳинд браҳманларига ўхшаб билагига боғич ҳамда пешонасида ҳол билан чиққан. Ёки сарой оташпарастларига хос одат – ўчмас шам чироқ ёқтириб улар сингари йиғилганлар олдида қуёш ва оловга тиз чуккан. Бу билан Давлат сиёсий барқарорлигини асраб қолишга ҳаракат қилган³.

¹ Қамчибек Кенжа Ҳинд сориға. – Т., 2000. -Б.205.

² Ўша жойда. –Б.212.

³ Низомиддинов.И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008 –Б.114.

Акбар ўз ишларини мустақил тарзда қўлга олгандан кейинги фаоляти ўз салтанати худудини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлди. Унинг фикрича, салтанат соҳиби ўз мавқеини доимо мустаҳмаклаб бормоғи лозим. Акс ҳолда ғанимлар унга қарши қурол кўтаради деб таъкидлаган¹.

Акбаршоҳ Бобур каби теран ақлий сиёсат олиб борганлиги, унинг олиб борган сиёсати Бобур олиб борган сиёсатнинг жиҳатларини ўзлаштирганига гувоҳ бўламиз. У сиёсий қарашларда дин омилини юқори баҳолайди. У худди мусулмонлардек ҳиндлар ҳам ҳокимиятнинг назарида тенг ҳуқуқли эканлигини амалий равишда намоён эта олди².

Аммо суний равишда жорий қилинган диний таълимот салтанатнинг сиёсий жипслашувига хизмат қила олмасада, лекин у Акбар сиёсатининг мақсади йўналишида гувоҳлик беради.

Сулола силсиласининг кейинги вакили буюк Бобурий шаҳзодалардан Жоҳонгиршоҳдир. Жоҳонгиршоҳ ички сиёсати ҳиндларга нисбатан бирор кескин миллий анъаналарга қарши ёки фуқоролик ҳуқуқини давлат тамонидан чеклайдиган чоралар кўрмаган бўлсада, аммо унинг даврида отаси Акбар фаоляти самаралари билан қиёслаш мумкун эмас. “Подшоҳни динда муносабати ҳам табиатига монанд ҳавойироқ эди. У гарчи ҳинд дарвешлари ёки насроний миссионерлар билан суҳбат қуриб баҳра олсада, аммо кийин диний соҳада амалга оширмоқчи бўлган тадбирларининг натижаси кўринмас эди”³.

Жоҳонгиршоҳ даврида сиёсий сусткашликка йўл қўйилди. Европаликлар Жоҳонгирга қиммат баҳо совғалар инъом этиб, ўз савдо сотиқ эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга уринарди. Бундай ҳатти ҳаракатлар оқибатида 1613 йилда Суратда фактория очиш ҳақидаги подшоҳ фармонини олиб, шундан бошлаб улар Ҳиндистонни ўзлаштиришга киришдилар⁴. Подшоҳни маиший ҳиссиётларга берилиши уни ўз яқинлари орасидаги

¹ Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.:Маънавият, 2003. –Б. 20.

² Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари. –Б. 27

³ Низомиддинов.И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008. –Б.116.

⁴ Ўша ерда. –Б. 117

обрусига зиён етказиб, давлат ишларини севикли хотини Нуржаҳон измига ўтиши, олдин ота-ўғиллар, кейинроқ ака-укалар ўртасида низолар чиқишига ва сиёсий тарқоқликка олиб келди.

Жаҳонгирдан кейин давлат тепасига келган Бобурий шахзода Шоҳ Жаҳон нисбатан нотинч феодаллар исёни бошланишида тахтга ўтирди. Ички сиёсий, иқтисодий аҳвол барқарор бўлмагани сабабли, қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатларга киришишга ва улар билан алоқани узмасликка интилди. Шу билан бирга Шоҳ Жаҳон сиёсий вазият барқарор бўлмаган, тарқаб кетиш ҳавфи остида турган мамлакатни сақлаб қолиш учун Аҳмаднагар, Бижояпур ва Голкондани бўйсиндириш учун бор имкониятини шунга қаратди.

Ички сиёсатда Шоҳ Жаҳон ҳиндларга нисбатан муносабатда деярли ота-боболарининг йўлини тутди. У одиллик билан сиёсий барқарор, иқтисодий кучли давлат яратишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, ташқи сиёсатда ҳам мувофақиятларга эришди. Шоҳ Жаҳон подшоҳлик даврида савдо-сотиқ, илм-фан равнақ топди. Унинг ташқи сиёсатида дин омили ички сиёсат каби устун эди барча динларга ҳурмат билан қарар ва бу ҳолатни бир хилда ушлашга интилди¹.

Шоҳ Жаҳондан кейин давлат тепасига сўнгги Бобурий шахзода Аврангзеб унинг ногоҳон касалликка чалингандан кейин, уч йил ҳокимят учун курашиб тахтга ўтирди. У ҳукмронлик қилган даврда ички сиёсатда қатор ўзгаришлар бўлди, “ғайридинларга” нисбатан чоралар кўрилди, уларнинг миллий байрамларини нишонлашни ва диний урф-одатларини қатъиян ман этди. Шу аснода ички сиёсатда турли хилдаги муаммолар юзага кела бошлади². Бу билан тўхтамасдан Банорос ва Матра шаҳарларидаги ибодатхоналарни бузиб ташлади. Ҳиндистонда муқаддам юритиб келинган, ҳиндларга нисбатан мўтадил сиёсатдаги бундай кескин ўзгариш, баъзи мусулмонларнинг манфаатларига зид келиб, аҳоли ўртасида норозиликлар

¹ Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003. –Б. 113.

² Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. –Т.:ЎзДавНашр, 1961. –Б.27.

кучая бошлади. Бу ҳол эса мамлакат ичида сиёсий тарқоқликка олиб келди, дастлабки норозиликлардан кўп ўтмай, маратхлар, синкхлар қаторида сунний масхабидаги афғонлар ҳам ҳокимиятга қарши бош кўтара бошладилар¹. Шу билан бирга бобурийлар маданий ҳаётининг талай жабҳаларига чек қўйилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бобур давлат тепасига келганига қадар, сиёсий вазият барқарор эмас эди. Бобурнинг давлат арбоби ва билимдон сиёсатчиларга хос хусусиятлари қуйидагиларга сабаб бўлди:

Биринчидан, Шимолий Ҳиндистон шароитида энг нозик ҳиндларга нисбатан диний муҳолифатдан воз кечилиб, динга нисбатан тўғри ёндашувларнинг юзага келишида ҳал этувчи рол ўйнади.

Иккинчидан, бобурийлар олиб борган ўринли ички ва ташқи сиёсат натижасида сиёсий барқарорлик таъминланди.

Учинчидан, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар феодал даромадининг икки асосий қисми — савдо ва ҳунармандчиликни ривожлантириб, қишлоқ ҳўжалигини янада такомиллашишига олиб келди.

Бобур давлатдаги сиёсий вазиятни барқарорлаштира олди ва ундан кейинги авлод вакиллари ҳам шу тарзда давом эттирдилар.

2.2. Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё давлатлари билан дипломатик муносабатлари

Ҳиндистон ярим ороли энг қадим замонлардан бери дунё тизимининг бўлинмас бир қисми бўлиб келаётганлиги ҳаммага яхши маълум. Ушбу минтақа асосан шимоли-ғарб томонидан яъни Ҳиндукуш тоғ тизмалари оша Марказий Осиё, хусусан Туркистон билан бевосита алоқада бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмасдир.

Жанубий Осиё ва Марказий Осиё ўртасида қадимдан давом этиб келаётган алоқалар айнан Ҳиндистонда темурийлар сулоласининг

¹ Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. —Т.:Маънавият, 2003. —Б.45.

давомчилари бўлган бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўққисига етди деб айта оламиз.

Бобурийлар Марказий Осиё, хусусан, Туркистон билан бундай муносабатларнинг сабабини америкалик олим Ричард Фольц шундай шарҳлайди: Муғул императорларининг “ўз она юртлари” бўлган Марказий Осиёга нисбатан кўрсатган соғинч ҳисларини ифода этишларига, улар ўзларини “Ҳинд” диёрини бир бўлаклари дея олмасликлари эмас, балки йўқотган дунёларининг маркази, яъни нафақат Ҳиндистонни, балки Эрон, Сурия, Анатолия ва кичик Осёнинг дашт ерларини ҳам ўз ичига олган Темур империясининг гуллаб-яшнаган пойтахти – Самарқандни йўқотганликлари сабаб бўлган деб ўйлаймиз¹. Ҳақиқатдан ҳам Темур авлодлари бўлган бобурий султонлар Туркистонни ўзларига бошқариш учун мерос бўлиб қолган дунё деб ҳисоблаганлар. Масалан, Бобур Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатгандан сўнг, у ерда доимо яшаб қолиш нияти йўқ эди, балки у ўз давлатини Темур бобосига ўхшаб Самарқанддан туриб бошқаришни хоҳлар эди. Бобур вафотидан кейин, Ҳумоюн ва ундан кейинги авлодлар ниҳоят ўзларининг Ҳиндистон султонлари сифатидаги мавқеларини тан олганлар.

Ҳиндистон ва Марказий Осиё халқлари асрлар давомида бир-бирлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни йўлга қўйдилар. Бунинг асосий боиси Марказий Осиёнинг жуда қулай жуғрофий мавқега эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Марказий Осиё орқали Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотик, жумладан, Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасида савдо алоқалари кенг кўламда ривож топди.

Бобурийлар даврининг дастлабки меъморчилик ва тасвирий санъат наъмуналарида темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр санъатига хос анъаналарни кўриш мумкин.

XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиё ва Ҳиндистонда нисбатан кучли марказлашган давлатлар вужудга келди. Бобурий Акбаршоҳ (1556–

¹Richard C. Mughal end Central Asia. Oxford, 1998. -P.20 25

1605) тахтга чиқиши билан деярли бир вақтда Бухородаги ҳокимият шайбонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Абдуллахон (1557–1598) кўлига ўтди.

Акбаршоҳ даврида Бобурийлар империяси шимолда Тибет чегараларидан тортиб, жанубда Тодавари дарёси, ғарбда Гужоратдан то шарқда Бенгал кўрфазигача ёйилди.

Абдуллахон подшолиги вақтида Бухоро хонлиги ҳам катта ҳудудни–Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва Хуросонгача бўлган ерларни бирлаштириб, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кучли давлатга айланди.

Абдуллахон ва Акбар тахтни эгаллаганларидан кейин ўз давлатларини мустаҳкамлашга, мустақил ва ярим мустақил хон ва князликларни бўйсундиришга, янгидан-янги ўлкаларни босиб олишга киришдилар. Абдуллахон қаттиқ кураш натижасида Балх ва Ҳиротни (1573), Шаҳрисабз, Қарши ва Ҳисорни (1574), худди шу йиллари Акбар Малва, Гондван, Читор ва Гужаротни забт этди. Ўша даврда иккала давлат ўртасида бир қатор дипломатик алмашинувлар бўлиб ўтди. Масалан, Абдуллахон 1572-73; 1577-78 ва 1586 йилларда Ҳиндистонга элчилар юборди¹.

Абдуллахоннинг элчиси Олтамиш 1572 йили Деҳлига боради. Элчи Абдуллахоннинг ҳар иккала мамлакат ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини кучайтириш ҳақидаги мактубини топширади. Акбар элчи орқали Абдуллахон номига юборган мактубида дўстлик муносабатларини ўрнатишга рози эканлигини билдиради.

XVIII асрнинг бошларигача бу улкан давлат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда тараққий этди, унда илм-фан, санъат ва адабиёт кенг ривож топди. Бу мамлакатда ва унинг пойтахти Бухорода ички савдо ҳам, чет давлатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари ҳам кенгайди. Хусусан, кўшни Ҳиндистон билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилди.

Ўша даврда Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо йўли Қобул ва Қандаҳор орқали ўтар эди. Бобурнинг ёзишича «Ҳиндистон билан

¹ Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII вв. Фан. Тош., 1985. –С.53

Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур. Бири Кобул, яна бири Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона, Туркистон ва Самарқанд, Бухоро ва Балх, Ҳисор ва Бадахшондан карвон Кобулга келур. Хуросондан карвон Қандаҳорга келур. Ҳиндистон билан Хуросонда восита бу вилоятдир. Бисёр яхши савдохонадир. Ҳар йили етти-саккиз-ўн минг от Кобулга келур. Қуйи Ҳиндистондин ўн-ўн беш-йигирма минг уйлик, карвон Қобулга келур. Ҳиндистондин қанд, набот, шакар, эоқир келтирурлар Хуросон, Ироқ, Рум, Чин матойи Кобулда топилур»¹.

Кобулнинг Марказий Осиё–Ҳиндистон ўртасида катта аҳамият касб этганлигига сабаб икки мамлакатга яқинлигидир. Кобулда Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасида алмашинадиган моллар тури хилма-хил бўлган. XVI аср бошида Фарбий Ҳиндистоннинг бир қанча портлари португаллар қўлига ўтиши туфайли бобурийлар империяси денгиз савдосидан махрум бўлдилар. Натижада, Кобул ва Қандаҳор карвон йўлини Ҳиндистон ташқи савдоси учун аҳамияти янада ошди. XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёга сафар қилган инглиз сайёҳи А.Женкинсон Бухорони Ҳиндистон билан савдо алоқалари ҳақида гапириб, жумладан шундай ёзганди: “Бухоро шаҳрида қўшни мамлакатлар: Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа ўлкалардан катта карвонлар билан келган савдогарларнинг йиғини ўтарди”².

Ҳиндистонда 12 йил яшаб, 9 йил бобурийлар Аврангзеб (1618–1707) саройида табиблик қилган француз сайёҳи Франсуа Бернье (1625–1688) ўзининг «Буюк Мўғул давлатидаги сўнгги сиёсий тўнтаришлар тарихи» номли ноёб асар яратади³.

Балх ва Самарқанд хонлари Аврангзеб ҳузурига ўз элчиларини юборганда шахзода Аврангзеб (ўз отаси Шох Жаҳон ўрнига тахтга чиқиши арафасида) уларни катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олади. Элчилар 4

¹ Бобур З.М. Бобурнома. 1-қисм (нашрга тайёрловчилар Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев). – Т., 1948. –Б.153.

² Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 годах. – С.156. См. Английские путешествия в Москве XVII в... –М., 1937. –С. 184-185.

³ Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Монгола. Пер. с. фр. – М.Л., 1936. –С. 220.

ойдан сўнг ватанларига қайтганларида Ҳиндистон подшоҳи уларнинг ҳар бирига 8 минг рупия ҳамда ўз хонларига топшириш учун қимматбаҳо парчалар, газмоллар, тилла ва кумуш иплардан тикилган чиройли гиламлар, қимматбаҳо тошлар қадалган ханжарларни ҳадя қилади¹.

Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида доимий савдо-сотик шу ишга мутасадди бўлган махсус савдогарлар орқали ҳам амалга оширилган ва бундай шахсларга жуда катта ҳуқуқ берилган. Чунончи, Ҳиндистон подшоҳи томонидан бухоролик савдогар Охунд Хўжа Аваз ва унинг шерикларига берилган ёрликда Шоҳ Жаҳон мазкур савдогарларга ўз муруввати ва марҳаматини кўрсатади ва ҳеч кимса уни Ҳиндистонга келганида ва кетганида унга жабр-ситам кўрсатмайди ва бирор важдан уларни ушлаб қолмайди деб айтилганди².

Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги карвон йўлини ривож топиши билан Бухоро шаҳрида алоҳида ҳинд маҳаллалари ҳам бунёд бўлган. Жумладан, тарихчи Муҳаммад Юсуфнинг ёзишича, Бухорода ҳиндларнинг маҳалла оқсоқоли ҳам мавжуд бўлган³. Бу ердаги ҳиндлар савдо-сотик фаолияти билан ҳам шуғулланганлар.

Бухородаги Оламхона карвонсаройида асосан Ҳиндистоннинг Шикарпур шаҳридан келган ҳиндлар жойлашарди.

XVI асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида Бобур ва бобурийларнинг роли кучайди.

Бобур Ҳиндистонга бир олим сифатида ёки йирик давлатнинг элчиси сифатида келди. У ўз сиёсатини барпо қилиш учун Афғонистон, сўнгра Ҳиндистон тупроғига қадам қўйди.

Бобур Ҳиндистондаги сиёсий арбобларни ўзига қаратиб олиш йўли билан ва, ниҳоят, ўзининг ўткир сиёсий ва ҳарбий тактикаси орқали 1526

¹ Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Монгола. Пер. с. фр. – М.Л., 1936. –С.129-130.

² Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – Л., 1932. –С. 138-139.

³ Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. –Т.: Изд. АН УзССР, 1956. –С. 84-85.

йилда Ҳиндистоннинг забт этишга эришиб, бу ўлкада бобурийлар империясига асос солди.

Ҳиндистонда бобурийлар империясининг барпо қилиниши кўп жиҳатдан ижобий натижаларга олиб келди, чунончи, у даврга қадар Ҳиндистон майда, тарқоқ хонликлардан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро низолар маданият иқтисоди ва санъатининг тараққий этишига тўсқинлик қилган. Халқ яратган кўплаб маданий бойликлар давлатлар ва подшоҳлар ўртасидаги тўхтовсиз курашлар натижасида йўқ бўлиб кетган. Шу жиҳатдан Бобурнинг Ҳиндистонда марказлашган кучли давлат империя барпо қилиши феодал тарқоқликка чек қўйди ва натижада Ҳиндистон халқ хўжалигини тараққий қилишида, фан ҳамда адабиёт, санъатнинг юксалишида ижобий роль ўйнади.

Шунингдек, алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Ҳиндистонни Искандар Зулқарнайн, Маҳмуд Ғазнавий, Аҳмадшоҳ Дурроний, Нодиршоҳ ва бошқалар ҳам босиб олган эдилар. Улар мамлакатни таладилар, унинг олтин-кумушларини ўз юртларига олиб кетдилар.

Олимларнинг таъкидлашича, Тож Маҳал Самарқанддаги Амир Темур мақбараси Гўри Амирга тўғридан-тўғри тақлид қилиб солинган. Меъморчиликдаги «ҳинд-мусулмон» услуби ҳақида Ж.Неру шундай дейди: «Бу ҳинд-мусулмон санъати жимжимадор безаклар ишлатиш услубига кўра, шимол ва жанубда қурилган ибодатхона ва бошқа бинолардан ўзининг ажойиб меъморий фазилатлари билан ажралиб туради»¹.

Тарихчи-ҳиндшунос Б. Обидов ёзганидек, Ҳиндистон ва Марказий Осиё алоқалари айнан бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўққисига етди. Чунки ҳудди шу даврга келиб икки минтақа ўртасидаги маданий яқинлашув жараёни тезлашди ва ҳар жиҳатдан бу ўзаро қўшилув янгича ижобий синтезни вужудга келтирди. Марказий Осиё халқларининг ўзига хос

¹ Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. – С. 278-279.

маданияти, миллий анъаналари, санъати, адабиёти ҳам икки ўлка халқлари алоқалари жараёнида бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитди¹.

Бобур асос солган империя унинг авлодлари даврида Ҳиндистоннинг аксарият ерларини бирлаштирган кучли марказлашган давлатга айланди.

Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқалар XV–XVII асрлардан эътиборан дипломатик муносабатларга асосланади.

Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги сиёсий, маданий ва дипломатик алоқаларнинг ривожланишида Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари катта аҳамият касб этади. Атоқли тарихчи, ўз замонасининг буюк давлат арбоби Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурнинг ўғли Эрон ва Турон ҳокими, Шохруҳ саройига яқин кишилардан бўлиб, кўпинча элчилик вазифасини ўтган².

У 1442 йилда Ҳиндистонга элчи қилиб юборилади. У икки жилдан иборат «Матлаи саъдайн ва мажмаи-Баҳрайн («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши») номли асарининг иккинчи жилдида Ҳиндистонга қилган сафари ҳақида ҳикоя қилади. У Ҳиротдан Эрон шаҳарлари ва Уммон (Араб денгизи) орқали Ҳиндистоннинг Каликут шаҳрига келади. Элчилар бир неча вақт Каликутда туриб, сўнгра у ердан Бижонагарга боради³.

Беруний каби Абдураззоқ Самарқандий ҳам ўз асарида Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаёти, ҳиндларнинг урф-одатларига оид қимматли маълумотларни келтирган. Муаллиф ҳиндларни зўр эҳтиросли санъаткор, мусиқа ва рақсларни маҳорат билан ижро этувчи халқ деб тасвирлайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномасида келтирилган нодир тарихий маълумотлар Марказий Осиё билан Ҳиндистон халқлари ўртасида қадим замонлардан бошлаб олиб борилган иқтисодий, сиёсий ва

¹ Обидов Б. Бобурийлар даврида Ҳиндистон ва Туркистон алоқалари (XVI-XVII асрлар). Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003. –Б. 104-105.

² Абдураззоқ Самарқандий. Ҳиндистон сафарномаси. Кириш, таржима ва изоҳлар муаллифи Ўринбоев А. Т., Фан, 1980. –Б.120.

³ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. II қисм. Ўринбоев таржимаси. Т., Фан, 1969. –Б.57.

маданий алоқалар XV асрда ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради. Сафарнома жанубий Ҳиндистон халқларининг ўрта асрларда эришган иқтисодий ва маданий даражалари, давлат тузуми, савдо муносабатлари ҳақида тарихий манбаларда ҳам учрайдиган муҳим далилий маълумотларга бойлиги билан ҳам тарих фани учун жуда катта аҳамиятга эгадир¹.

«Бобурнома»нинг мантикий давоми Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг Тарихи Рашидий асаридир. Мазкур ноёб ва нодир асар икки қисм, 117 бобдан иборат бўлиб, унда Қозоғистон, Шарқий Туркистон (Хитойнинг Синжон вилояти), Афғонистон, Тибет ва Ҳиндистон халқлари этнографияси, жўғрофияси, ижтимоий-сиёсий тузуми ва тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Тибет ва Ҳиндистонга ҳарбий юришлар қилган Мирза Муҳаммад Ҳайдар бу ўлкалар ҳақида фойдали маълумотлар ёзиб қолдирган. Айниқса, унинг Кашмир табиати, иқлими, урф-одатлари, иқтисоди, тарихига оид ҳамда Бобур ва бобурийларга тегишли қарашлари диққатга сазовордир. Мирза Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» китоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» мемуар асари сингари шахсан муаллифнинг кўрганлари ва кузатувлари замирида яратилган².

Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқалар XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидан эътиборан мунтазам дипломатик муносабатларга асосланади. Бу даврда Ҳиндистонда Акбар (1556–1605), Марказий Осиёда Абдуллахон ҳукмдорлик қиларди. Ўз замонасининг анча кучли давлатларидан саналган Абдуллахон салтанати Мовароуннаҳр, Хуросоннинг бир қисми ва Бадахшон ўлкасини ўз ичига оларди, бобурийлар империясининг ғарбий туманлари Кобул ва Бадахшон ўлкаларигача чўзилган эди. Шундай қилиб, XVI аср ва XVII аср бошларида Ҳиндистон ва Марказий Осиёда ташкил топган давлатлар бир-бирлари билан кўшни эдилар. Бу даврда Эронда давлат бошида сафавийлардан бўлган шоҳ Аббос (1587–1628) турарди. Эрон шоҳ Аббос замонида кучли мамлакатга айланган эди. Ўша

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Ҳиндистон сафарнома. Форсчадан Ўринбоев А. таржимаси. –Т., 1960. –Б.76.

² Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Введение, пер. с перс. Урунбаева А., Джаловой Р. П., Епифановой Л. П. –Т., 1996. –С.11.

замонда шоҳ Аббос, бир томондан Бобурийлар империясига ва иккинчи томондан Абдуллахон давлатига қарши курашаётган эди. Бу ҳол ҳар икки қўшни давлатни сафавийларга қарши курашда бирлашиш ва иттифок тузишини тақозо этган эди. Бунинг натижасида ҳар икки давлат ўртасида мунтазам дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1572 йили Бухоро хонлигининг Хўжа Алтамиш бошлиқ элчилари Акбар саройига етиб келди ва Бухоро хони Абдуллахоннинг икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги хабарини Ҳиндистон ҳукмдорига етказди. Бундан мақсад бошқа қўшни давлатлар ҳужуми хавфига қарши иттифок тузиш бўлган эди. Акбар Бухорога жавобан ўз элчисини юборишга шошилмади.

Шунга қарамай, 1577 йили Абдуллахон Акбар саройига Абдурахим бошлиқ иккинчи элчисини юборди. Акбар бунга жавобан Мирзо Пўлат бошлиқ элчисини Бухорога жўнатди. Бу элчиларнинг вазифалари бутунлай сиёсий масалаларга қаратилган бўлиб, бобурийлар Эрондаги Қандаҳорни, Бухоро хони эса Бадахшонни ўз давлати таркибига қўшиб олишни режалаштирган эдилар. Акбар эса Бадахшонни Абдуллахон тасарруфига ўтишидан норози эди.

Бадахшонни Абдуллахон томонидан забт этилиши Кобул ҳокими Муҳаммад Ҳакимни саросимага солиб қўйди. Вазият жиддийлигини сезган Акбар Кобулга машҳур лашкарбошиси Ман Сингхни юборди. У тезда шаҳарда тартиб ўрнатди.

Шу аснода Бухоро хони Ҳиндистонга обрўли амалдорлардан Мир Қурайш раҳбарлигида элчилар жўнатди. У ўзи билан совға сифатида бир қанча нафис моллар олиб борган эди. Элчиларнинг асосий вазифаси Бадахшон Бухорога қўшиб олингандан сўнг Акбарни Бухоро хонлигига муносабатини билиш бўлган. Акбар Мир Қурайш элчиларни узоқ вақт қабул қилмайди, турихчиларнинг таърифлашларича, Акбар Кашмирни ўз давлатига қўшиб олгандан сўнг элчиларни қабул қилмоқчи эди. Шундай қилиб, Акбар Бухоро элчиларини 1586 йили 14 мартда қабул қилади. Акбар

хукмронлигининг 30 йиллиги (яъни 1586 йил)да Ҳиндистоннинг Ўрта Осиёдаги расмий кишиси Муҳаммад Ҳаким Ҳиндистонга Мирзо Шохруҳ ва Мирзо Сулаймон бошлиқ элчиларни юборади. 1587 йилда эса Марказий Осиёдан Акбар саройига Мир Қурайш бошлиқ расмий элчилар юборилади. Элчилар Ҳиндистон чегарасига етиб келганларида чегара маъмурлари уларни самимий кутиб олади. У ердан элчилар ҳинд қуrolли қисмлари ҳимоясида Дехлига етиб келдилар. Дўстлик сафари билан Ҳиндистонга келган Марказий Осиёлик элчилар Дехлида бир қанча ой туриб, Акбар томонидан Абдуллахон саройига тайинланган Ҳаким Ҳумом бошлиқ ҳинд элчилари билан ўз ватанларига қайтадилар. Ҳинд элчилари Акбарнинг Абдуллахон номига ёзган хатини ва бир лакх (юз минг) рупий танга ва бошқа қимматбаҳо зебу зийнатлардан иборат тухфаларни олиб келдилар. Акбар Абдуллахонга ёзган хатида Эрон шоҳи Аббосга қарши бирга курашиш кераклиги, ўз мамлакатлари орасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш зарурлиги тўғрида ёзади. Ҳинд элчиларини Абдуллахон ҳинд одати бўйича қабул қилади. Элчилар Марказий Осиёда икки йилга яқин бўладилар, сўнгра катта тухфа ва тортиқлар билан Ҳиндистонга қайтиб кетадилар.

1590 йили Мавлоно Ҳусайн бошлиқ Абдуллахоннинг янги элчиси ҳам Акбар ҳузурига етиб келади.

1596 йили Хожи Ашраф Нақшбанд ва Султон Ҳусайн Лакхнав бошлиқ Акбаршоҳ элчилари Бухоро томон йўлга чиқадилар. Элчилар Абдуллахонга Акбаршоҳнинг катта совға-саломлари билан ўзаро дўстликни мустаҳкамлашни таъкидловчи мактуб ҳам олиб келган эди. Акбаршоҳ элчилари 1597 йил 9 сентябрда Бухорога етиб келадилар. Абдуллахон уларни катта иззат-икром билан кутиб олади. Акбардан кейинги император Жаҳонгирни (1605–1627) тахтга ўтиргани билан табриклаш учун Имомқулихон (1611–1642) Жаҳонгир саройига элчи юборади. Бунга жавобан Ҳиндистондан Марказий Осиёга замонасининг атоқли олими Ҳаким Ҳозиқ бошлиқ элчилар келади. Элчилар ўзлари билан қимматли совғалар қўшиб жўнатиладилар. Совғалар орасида қимматбаҳо тошлар қадалган чодир

кишининг диққатини ўзига тортар эди. Айтишларича, бу чодир унга қадалган олтин ва қимматбаҳо тошларнинг нархи бутун Ҳиндистондан йиғилган бир йиллик хирож солиғига баробар эди¹.

Ҳаким Ҳозикдан аввал Бухорога Бирка номли элчи келган. Унга жавобан Бухоро ҳам Хўжа Абдурахим бошлиқ ўз элчисини Ҳиндистонга юборган. У қимматбаҳо совға-саломлар, яъни тулки терисидан тикилган пўстинлар, чопқир отлар ва туялар, гўзал муқовали китоблар олиб сафарга чиқади. Элчилар чегарадан ўтиши биланоқ Ҳиндистон ҳукуматининг эътиборига, илтифотига муяссар бўладилар. Уларнинг бу элдаги кундалик сарф-харажатлари учун кунига минг рупий инъом этадилар. Жаҳонгиршоҳ элчиларни тантанали қабул қилади. Элчига эллик минг рупий инъом этилиб, ҳар куни катта зиёфат берилади.

Акбаршоҳ (1556–1605), Жаҳонгиршоҳ (1605–1627) ва Шох Жаҳон (1628–1659) даврида Ҳиндистон билан Марказий Осиё ўртасида ўрнатилган сиёсий муносабатлар Аврангзеб (1659–1705) даврида ҳам давом этди. 1661 йил декабрда Аврангзеб Бухородан ташриф буюрган элчи Хўжа Аҳмад ал-Ҳусайний Нақшбандийни қабул қилади. Элчи ҳинд подшоҳига Бухоро хони Абдулазизнинг (1645–1680) мактубини топширади ҳамда унга отлар, туялар, қимматбаҳо буюмлар совға қилади. Совғаларнинг ичида 24 минг рупий қимматга эга бўлган лаъл ҳам бор эди. Қабул куни элчига тўн, қимматбаҳо ханжар ва 24 минг рупий ҳадя қилинади. Элчилар таркибида Хушхолхон, Жавҳархон, Мирзабек, Миршакар, Латифбек Мироҳур ва бошқалар бўлиб, уларга ҳам совғалар инъом қилинган. Абдулазизхон Хўжа Аҳмад орқали юборган мактубида Аврангзебни тахтга чиқиши муносабати билан табриклайди ҳамда икки ўртадаги дўстона муносабатлар давом этишига ишонч билдиради.

1665 йилнинг 13 июлида Ҳиндистондан Бухорога Мустафоҳон Хофий бошчилигидаги элчилар Абдулазизхонга Аврангзебнинг жавоб мактубини етказадилар.

¹ Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхони (русчага Семенов А.А. таржима қилган). – Т., 1956. –Б. 89.

1669 йил 11 майда Ҳиндистонга Бухоронинг элчиси Рустамбий, сўнг Балх ҳокимининг элчиси Хушбек келади. Рустамбийга бобурий подшоҳ Аврангзеб турли хил совғалар ҳамда икки лакх рупий, Хушбекка эса 50 минг рупий ҳадя қилади. Рустамбий билан бирга Бухорога ҳинд элчиси Яккатазхон жўнайди ва Абдулазиз учун икки лакх рупийга тўғри келадиган қимматбаҳо буюмлар ва тўққизта от олиб борилади.

Бухоро хони Субҳонқулихон (1680–1702) ҳам Ҳиндистонга элчи Мир Абдурахмон Хўжа Садирни юборади. У Аврангзеб номига ёзилган мактубида «Сон-саноксиз ва машъум душманлар Бухоро ҳудудига ҳужум қилиб, жаннатмакон Самарқандни топтадилар, аммо тез орада исёнчиларнинг қилмишлари барбод бўлди ва улар пок ўлкадан илдизи билан юлиб ташланди, шу боис ушбу хушхабарни Сизга етказмоқ ниятида Ҳиндистонга элчи Мир Абдурахмон Хўжа Садр юборилди» деб битилган эди¹. Машъум душман Хоразм хони Анушахон бўлиб, у 1684 йили Самарқандга ҳужум қилади ва уни вақтинчалик эгаллайди. Бу элчининг мақсади Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

1684 йил 12 апрелда «Забардастхон» унвонига сазовор бўлган Вафодорхон Аврангзеб томонидан Бухорога элчи этиб тайинлади ва у мактубда ёзилганидек, «улуғ шарафга лойиқ энг покиза хонадоннинг вакили бўлмиш Субҳонқулихон»га 15 минг рупий қийматига эга битта фил ва хилма-хил қимматбаҳо буюмларни топширади. Забардастхон орқали Бухорога юборилган мактубда ҳинд ҳукмдори ўзининг Декандага ғалабалари ҳақида муфассал баён қилади².

Маълумки, Аврангзебнинг Декандаги урушлари шиддатли тус олиб, узоқ давом этган. Подшоҳнинг ғалабага эришиши мамлакат чегарасига яқин бўлган қўшни ўлкаларда ҳам осойишталик ҳукм суришини тақозо қиларди. Шу боис, Забардастхоннинг мақсади Бухоро билан дўстлик ва ҳамкорлик

¹Низомиддинов И. «Маасир-а Аламгири» как источник по внешнеполитическим отношениям Индии. «Индия». – Т.:Фан, Уз ССР, 1973. –С. 101.

²Муҳаммад Юсуф. Муқим-ханская история. – Т.: 1956 –С. 140-145.

ришталарини мустаҳкамлашдан иборат эди. Элчи Бухородан жўнаб кетганидан сўнг Субхонкулихон «ҳинд элчиси Забардастхон билан тузган шартнома»га биноан Эронга қарши юриш бошлаган эди. Субхонкулихон элчи Надирбий орқали 1688–1699 йилларда Ҳиндистонга юборган мактубида «биз иттифоқ ва бирлик асосида машъум шиаларга қарши олижаноб режани амалга оширишга киришдик» деб таъкидлаган эди. Мактубда Бухоро кўшинлари 20 та Эрон қалъаси билан бирга Болои Мурғоб вилоятини забт этгани ҳақида ҳам хабар қилинган эди.

Субхонкулихон Надирбийдан сўнг ҳинд ўлкасига яна бир бошқа элчи Шохбекбийни жўнатади. Хон мактубида ўзининг эронийлар устидан қозонган ғалабаси тўғрисида Ҳиндистон подшосини хабардор қилади ҳамда Бухоро билан Ҳиндистонни ўзаро бир-бирларига ёрдам беришга ва ҳамкорликка даъват этади.

Ҳиндистоннинг Хоразм билан ўзаро муносабатлари ҳам диққатга сазовордир. Ташаббус кўпинча Ҳиндистон томонидан кўрсатилар эди. 1670 йил сентябрда Ҳиндистондан Урганчга Баҳодир исмли элчи юборилади. Ўз навбатида, 1680 йилда Урганч элчиси Хон Мирза Ҳиндистонга етиб боради.

Аврангзеб давридан кейин бобурийлар салтанати емирилиш жараёнини бошидан кечираётганлигига қарамай Ҳиндистоннинг Бухоро ва Хоразм хонлиги ўртасидаги анъанавий алоқалари озми-кўпми давом этди. Чунончи, Бухоро хони Абулфайзхон (1711–1747) Ҳиндистон шоҳи Фаррух Сиёрга 1714–1715 йилларда мактуб йўллаган ва уни Султонбой бошлиқ элчилар олиб борган. Шундан сўнг бобурийлар давлатининг шоҳи Фаррух Сияр ҳам ўз элчисини Бухорога йўллаган.

Абулфайзхон Ҳиндистонга Убайдулла исмли элчи юбориб, унга Ҳиндистон шоҳи учун махсус мактуб ҳам топширган. XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳам Ҳиндистон–Бухоро хонлиги ўртасида элчилар алмашилиб турилган ва уларнинг вазифасига асосан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш кирган. Шундай қилиб, бобурийлар Ўрта Осиё хонликлари

билан яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатишга ва мустаҳкамлашга интилганлар.

Тарихчи олим Масон В.М. таъкидлаганидек, Марказий Осиё билан Ҳиндистон қадимий Шарқ цивилизациясининг икки қудратли ўчоғи ҳисобланиб, уларнинг бир-бирига таъсири, хусусан маданият соҳасида айниқса баракали бўлди¹.

Ватанимиз халқлари жуда қадим замонлардан бери Ҳиндистон мамлакати тарихи, маданияти, юксак санъати ҳамда фани билан қизиқиб келганлар. Асрлар давомида Марказий Осиёдан Ҳиндистонга минглаб атоқли кишилар борганлар.

«Мен Ҳиндистон тарихини ўқиб чиқдим—деб ёзган эди Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру. —Мен қадимги вақтларда Ҳиндистонда бўлган ва саёҳатларини ёзиб қолдирган Хитой ва Ўрта Осиёлик сайёҳлар билан бирга Ҳиндистон бўйлаб кездим».

Ҳиндистон тарихи, хусусан, унинг ўрта аср даври тарихини ўрганишда Ўрта Осиёлик муаллифларнинг ёзиб қолдирган асарлари катта аҳамиятга эга.

Юқорида зикр қилганимиздек, қомусий аллома Абу Райҳон Беруний бир неча марта Ҳиндистонга саёҳат қилиб унинг шаҳарларида кўп йиллар яшади. Баъзи бир олимлар Беруний Ҳиндистонга уни босиб олиш учун келган Маҳмуд Ғазнавий ва унинг кўшинлари билан борган деб кўрсатадилар. Бу фикр бутунлай нотўғридир. Беруний Ҳиндистон жўғрофияси, тарихи ва фани билан яқиндан танишиш мақсадида бу мамлакатга бир неча бор ташриф буюрган. У ҳиндларнинг дунёқараши, илми, маданиятини ўрганди. Ҳиндларнинг муқаддас «Бхагавагита» китоби унинг севимли асари бўлиб қолди. Берунийнинг бу ўлка бўйлаб қилган саёҳатлари ҳақида ёзган асари бизгача етиб келган қадимий йирик ёдгорликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, барча таниқли олимлар томонидан юксак баҳоланган «Ҳиндистон» асари муаллифнинг

¹ Масон В.М. Средняя Азия и Индия: 5000 лет культурных связей и творческого взаимодействия. India and central Asia (The-Islamic period). Индия и Центральная Азия (до исламский период) Т.: 2000, -Р. 113.

Ҳиндистонни нақадар чуқур ва ҳар томонлама ўрганганлигидан далолат беради. Беруний асарида олимнинг улуғ ҳинд халқи маданиятига бўлган чуқур эҳтиром руҳи сезилиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Бобурийлар даврида мавжуд сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар ҳолатини ҳисобга олиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳолати анчайин ривожланди ва маданиятда катор ўзгаришлар содир бўлди. Диний бағрикенглик таъминланишига эришилди.

Иккинчидан, ўша давр дипломатиясининг барча имкониятларидан фойдаланилган, дипломатик алоқалар фаол тарзда олиб борилган. Элчилар алмашинуви яхши йўлга қўйилган.

Учинчидан, икки томонлама муносабатларнинг раванқ топишида қуйидаги хусусиятларни алоҳида таъкидлаш лозим:

- миллий ўхшашлиги;
- сўзлашиш тилини диярли бир ҳиллиги;
- денгиз йўли тўсилгандан сўнг ягона йўл Ҳиндистон бўлганлиги.

2.3. Бобурийлар давлатининг Афғонистон ва Эрон билан сиёсий-дипломатик алоқалари

Бобурийлар давлатининг Ҳиндистонда раванқ топишига замин яратган Афғонистон, Бобурийлар ташқи сиёсатида муҳим ҳудуд ҳисобланибгина қолмай, шу билан бирга Афғонистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш икки томонлама ҳам манфаатли бўлган. Эрон билан эса дипломатик муносабатларни ўрнатиш Ҳиндистон ички ва ташқи бозорини ривожлантириб, Ҳиндистонни барқарор иқтисодиётига ижобий таъсир этган.

Тарихдан маълумки, дипломатия давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий бирлашишига замин яратган, шу сабабли Ҳиндистон дипломатияга катта эътибор берган.

Бобур давлат тепасига келганидан сўнг шаҳарларда масжид ва мадрасалар қурдира бошлади. Сабҳал ва Аграда масжид ва мадрасаларни қурилиши, Бобурни ўз давлатида амалда оширган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни олиб боришни илк куртаклари эди. Бундан кейин шундай режаларни амалга ошириш ислохотлар ўтказиш учун, ҳамда узок вилоятлар ва қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшашни тақозо этарди. Долзарб сиёсий масалаларнинг моҳиятига тушуниб етган Бобур, узок яқиндаги дин пешволари ва давлат арбобларига совға саломлар йўллади. Уни Эрондаги бази ҳайрихоҳларига кўрсатган марҳаматлари, қудратли қўшинга эга бўлган мамлакат билан дўстона муносабатда қолиш ниятида эканлигини билдирарди.

Эрон билан Бобурийлар ўртасидаги дастлабки дипломатик муносабатлар ўрнатилиши 1526-йили Хўжа Аҳаднинг Тахмасп саройига элчи қилиб юборилганлигидан бошланади. Шу йилнинг охирларида Эрон шоҳининг туркман миллатига мансуб бўлган Сулаймон номли элчисининг келиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришига хизмат қилди¹. Чунки Шайбонийлар билан Тахмасп ўртасида кучли низолар мавжуд эди. Эрон билан яқинлашиш Ҳиндистон ҳавфсизлигини таъмилашга хизмат қилар эди.

Шайбонийларга қарши кураш бобурий шахзодалар учун асосий муаммолардан бири эди. Шу сабабдан Эрон билан иттифоқ тузиш ҳар томонлама манфаатли бўлиб бир тарафдан Эрондек буюк мамлакат билан алоқаларини ўрнатса бошқа тарафдан эса улар ўзларини ҳавфсизликларини таъминлаб, Шайбонийларга қарши курашишга ҳаракат қилар эди. Бобур давлат тепасига келган даврда Ҳиндистон ҳали марказлашган ҳокимиятга эга эмас эди, шу сабабдан ҳам бошқа қўшни мамлакатлар билан муносабатларга

¹ Ҳошимов И. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати. –Т.: Маънавият, 1998. –Б.68.

киришиши зарур эди. Бобурий шахзодалардан Хумоюншоҳ даврида бу ҳол узоқ давом этди. Шу сабабли у отаси олиб борган сиёсатни олиб боришга мажбур эди. Чунки айнан шу даврда Ҳиндистон Европа давлатлари диққат марказидаги, бой мамлакат эди. Бобурийларни Эрон, Афғонистон билан алоқаларини йўлга қўйишга қуйидагилар туртки бўлди:

-Бобурийлар даврида ва улар салтанатида “Ислом омили” кучли эди;

-Бобурийлар ота юрти деб ҳисоблайдиган Мовароуннаҳр, ва Ҳуросонни ҳамеша қўлга киритиш илнжида бўлган.

Европа таъсиридан сақланиш учун Эрон билан муносабатларни ўрнатиш зарур эди, чунки Ҳиндистон ҳудуду жиҳатидан катта бўлгани учун унга диний дунё қарашлар турли ҳилда эди. Афғонистон тарихда ҳам ҳудди ҳозиргидек “Буюк давлатлар” диққат марказида бўлган, шу сабабли европа давлатлари Ҳиндистон орқали Афғонистонга ўтиш йўллариини излагани тарихдан маълум. Бобурийларни Эрон Афғонистон билан муносабатлари Акбаршоҳ даврида ҳар томонлама мустаҳкамланиб борди, чунки Акбар улғайиши билан анъанавий мусулмон дунё қарашига муносабати ўзгара бошлади. Бу аввало уни диний, дунёвий қадриятларга бўлган ўзига хос қарашларни ҳусусиятларини устуворлигида эди¹.

Акбаршоҳ давлат тепасига келганда ҳам ҳали мамлакатда исёнчилар бош кўтарар, мамлакатда барқарор сиёсат олиб бориш жуда ҳам қийин эди, шу сабабли қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш Акбаршоҳ учун зарур эди. 1586 йилга келиб Акбаршоҳнинг укаси Ҳоким Мирзо вафотидан сўнг Қобул ҳукумати ҳам Акбар тасарруфига ўтди. 1586-1587 йиллар мобайнида лашкарбоши Бҳагвандас бошчилигидаги 5000 кишилик қўшин Кашмир ўлкасини эгаллаш учун уруш олиб борилди. Кашмир ҳони Юсуфхон таслим бўлди, ва Кашмир вилояти Қобул ҳонлигига қўшиб олинади².

¹ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. –Т.:Фан, 1966. –Б.96-97.

² Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.:Маънавият, 2003. –Б.21.

Шу тариқа Бобурийлар салтанатини тиклай бошлади, Акбар олиб борган оқилона сиёсат натижасида Қобул ҳонлиги бирлаштирилди ва шу тариқа дипломатик муносабатларга кириш бошланди. Афғонистон Бобурийлар салтанати бир бўлаги бўлгани Марказий Осиё учун “кўприк” вазифасини ўтагани сабабли бобурийлар Афғонистон билан муносабатларини ўрнатишдан манфаатдор эди.

Акбаршоҳ ўзининг ҳукумдорлик фаоляти давомида олиб борган сиёсати таҳлилидан шу нарсаларни кўриш мумкинки, унинг асосий мақсади Ҳиндистон ярим ороли ҳудудида жойлашган майда давлатларни бирлаштириб марказдан бошқариладиган улкан империя ташкил этиш эди. Шу боис атрофдаги қудратли қўшни мамлакатлар билан, муттасил дипломатик алоқаларни ўрнатган эди. Эрон ва Мовароуннаҳр Акбаршоҳ салтанатига ҳудудан яқин тургани боис, Акбарнинг давлат бошқариш сиёсати учун улар муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам Акбаршоҳ дипломатиядан оқилона фойдаланиб Эрон ва Мовароуннаҳрга бир неча маротаба элчилар юбориб давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаб туришга ҳаракат қилди.

1577-йилда Шоҳ Таҳмасп вафотидан сўнг Абдуллаҳон Акбаршоҳга элчилар юбориб Эронни маҳф этиш таклифини билдирди. Агар бу юриш амалга ошса Эрон уларга таҳдид қилиши мумкун бўлган иқтисодий, сиёсий кучини бутунлай мавқеини юқотишини таъкидлайди. Абдуллаҳонга ёзган хатида Акбар унинг хатини икки муҳим сабаб билан қўллаб-қувватлай олмаслигини айтади: биринчидан, сўфийлар шиа мазҳабига итоат этсалар ҳам, улар улуғ Пайғанбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодига мансублиги билан ҳурматга сазовор кишилар бўлса; иккинчи тарафдан эса Эрон билан Акбарнинг ота боболари ҳам жуда яқин дўстона муносабатда бўлишганини билдиради¹.

1585- йилда Абдуллаҳон Эронни яна биргаликда маҳф этиш режаси билан Акбаршоҳни ҳамкорликка чақиради ҳатто унга тазйиқ ҳам ўтказиб

¹ Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.:Маънавият, 2003. –Б. 24-25

кўради. Лекин Акбаршоҳ кучли сиёсати билан бу ҳамкорликдан воз кечади. Чунки у барпо этган давлат ҳудуди Эрон ҳудуди билан туташган бўлиб ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилган савдо карвонлари Эрондан Ҳиндистон тупроғигача савдо-сотик ишларини бемалол амалгам оширар эди. Бу ҳол эса табиийки Акбаршоҳ учун ва уни эндигина барқарор ҳаёт бошлаган фуқоролари учун ҳар томонлама манфаатли эди. Акбаршоҳ Абдуллахонни таклифига, бу сафар Эрон ўз ҳавфсизлигини сақлашга мойил эканини анча аниқ билдирди. Бунда у турк султони ота боболарини Эрон шоҳлари билан тузган битимларини четлаб ўтиб Эрондаги танг аҳволдан фойдаланиб унга қўшин юбораётганидан қаттиқ ғазаби кеганини ҳам билдирди. Шу билан Акбар Эрон шоҳини ҳимоя қилиш учун отланмоғини ва бу ҳусусда гаплашиш учун Ҳуросонда Абдуллахон билан гаплашишини билдирган¹.

Шуни таъкидлаш керакки Акбаршоҳ кучли сиёсатчи бўлиши билан бирга моҳир дипломат ҳам эди. Абдуллахонга берган жавобларидан шуларни англаш мумкинки Акбаршоҳ муқаддас Ислом динига қаттиқ ҳурмат билан қарагани, ва уни сиёсати ва дипломатиясида “ислом омили” кучли эканини, жавоб хатида яна бир бор Эронийлар шиа мазҳабида бўлса ҳам аммо улар Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодлари эканлиги боис уларга ҳужум қилишда ўзини тийган.

1591-йилда Эрон шоҳи Шоҳ Аббос ўзбеклардан Ҳуросонни тортиб олиш учун Туронга ҳужум қилишда биргаликда ҳаракат қилишини сўрайди. Аммо Акбаршоҳ ўзини дипломатлик санъатини ишга солиб Абдуллахон билан тузган битимларини буза олмаслигини сабаб тариқасида кўрсатади².

Европалик олимлар тамонида “Буюк Акбар” номини олган Акбаршоҳ олиб борган, кучли сиёсати билан, шу номга қанчалар лойиқлигини исботладилар.(С. У. Салиман)

¹ Файзиев Т. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б.86.

² Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати: ингл.тилидан таржима. –Т.:Маънавият, 1998. –Б.130.

1595-йилда Акбар Эронликлардан Қандахорни тортиб олди ва Акбаршоҳ салтанатига қўшилди¹. Ўз навбатида Эрон ҳам бобурийлар салтанатини тан олди. Акбаршоҳ давлати учун муҳим ҳудуд ҳисобланган Афғонистон бирлаштирилди ва эркин савдо дипломатик алоқалар ривожланиши йўлга қўйилди.

Акбаршоҳ кучли билими ва салоҳияти билан бобурийлар салтанатини қайта тиклашга мувофақ бўлди, у олиб борган оқилона сиёсат Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этди, кучли дипломатлик қобилияти билан бошқа давлатлар билан ҳар қандай ҳолатда тинч йўлар билан муаммоларни ҳал қила олди. У фақат ташқи сиёсатда эмас балки ички сиёсатда ҳам улкан ютуқларга эришди. У мамлакатда диний низоларга барҳам берди, мусулмонлар билан ҳиндлар ўртасидаги муносабатларни диний қарама-қаршиликларни оқилона ҳал эта олди шу билан у Буюк Акбар номини олиб, Ҳиндистон тарихида ўчмас из қолдирди.

Акбаршоҳдан кейин ҳокимият тепасига келган Жаҳонгиршоҳ ҳам Афғонистон, Эронни Ҳиндистон учун асосий ҳудуд сифатида қаради, ва отаси Акбаршоҳ олиб борган сиёсатни, дипломатияни отаси каби давом эттира олмасада лекин барқарор сиёсий ҳаёт, ва эркин дипломатияни таъминлашда кўп бора ислохотлар ўтказди. Жаҳонгиршоҳ даврида европа давлатларининг Ҳиндистонга бўлган қарашлари ўзгарди. Европаликлар Жаҳонгирга қиммат баҳо совғалар ином этиб, ўз савдо сотиқ эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга уринарди. Бундай ҳатти ҳаракатлар оқибатида 1613 йилда Суратда фактория очиш ҳақидаги подшоҳ фармонини олиб, шундан бошлаб улар Ҳиндистонни ўзлаштиришга киришдилар². Подшоҳни маиший ҳиссиётларга берилиши уни ўз яқинлари орасидаги обрўсига зиён етказиб, давлат ишларини севикли хотини Нур Жаҳин измига ўтиши, олдин ота ўғиллар, кейинроқ ака-укалар ўртасида низолар чиқишига ва сиёсий тарқоқликка олиб келди.

¹ Сотимов Ғ. Бобурийзодалар. –Т.: Маънавият, 2003. –Б.21.

² Низомиддинов Н.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008 –Б.117.

Жаҳонгирдан кейин ҳокимият тепасига келган Аврангзеб давлат ташқи сиёсатига бобоси Акбар каби курашмади. Диний миллий, этник қарама-қаршиликлар мамлакатда эркин савдо сотиққа путур етказди. Шу сабабли Аврангзеб дипломатияси ва ташқи сиёсатида турли ҳил низолар чиқди. Унинг ҳокимияти даврида ҳиндлар, шиа мазҳабидаги афғон қабилалари Аврангзеб олиб бораётган сиёсатидан қаттиқ норозиликлар билдиришди бу эса ўз навбатида Уни ташқи сиёсий алоқаларига путир етказди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкунки бобурийлар дипломатияси ҳар бир бобурий шахзода замонида турли ҳилда олиб борилган бўлсада аммо бобоси Бобуршоҳ олиб борган сиёсат ичида бўлди. Бобурий нафақат Ҳиндистон бой тарихи ва унинг дипломатиясида балки бутун дунё дипломатиясида ўчмас из қолдирди. Чунки Бобурий шахзодалар олиб борган оқилона сиёсат ҳамда дипломатия уларни нақадар кучли дипломат ва сиёсатчи эканидан далолат баради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки Акбаршоҳ дипломатияси ва унинг сиёсати кўп томонлама бобақалони Амир Темур олиб борган сиёсатни давоми десак муболаға бўлмайди. Акбаршоҳ замонида уни сиёсатида динлар ўртасидаги мувозанатни бир ҳилда ушлаб турилиш ҳиндларга ҳудди мусулмонлар каби муомалада бўлганликлари, уларни давлатни бошқариш учун ҳокимиятга чақирилгани, Акбаршоҳ ҳаётда ҳам моҳир дипломат бўлганини кўриш мумкун. У ўзини ҳинд халқини бир бўлаги деб ҳисоблай олмас эди, шу сабабдан У фаоляти давомида ота юрти Мовароуннаҳрга интилиб яшади. Аммо бўлган бир неча имкониятлардан фойдаланишдан воз кечди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки Акбаршоҳ Эрон ва Афғонистонга бир ҳил позицияда туриб ёндашди. Уни дипломатиясида Ислом дини олдинги ўринларда тургани тақсинга лойиқдир. Эронга қулай пайтда ҳам ҳужум қилмагани уни қанчалар Эронликларни Пайғамбаримизни авлодлари деб билгани ва шу сабабдан ҳужум қилмагани тақсинга лойиқдир. Бир сўз билан айтганда бобурий шахзодалар инглизлар босқинига қадар ўзларини кучли сиёсати ва дипломатияси билан ажралиб турди, шу сабабли улар уч аср давомида Ҳиндистондек катта мамлакатда ҳокимлик қилди.

Хулоса

Президентимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номи асарларида таъкидлаганларидек, тарихимизнинг ҳар бир даври, ҳар бир босқичи биз учун улкан маъно касб этади. Биз тарихдан нима ўрганамиз деган саволга хатолардан хулоса чиқаришни дея жавоб беришимиз ўринлидир. Бобурийлар даври тарихи ҳам биз учун ибратлидир.

Илмий иш давомида Бобурийларнинг ўзига хос сиёсий қарашларини, олиб борган ташқи сиёсатини ўрганиш билан бирга, уларнинг жаҳон цивилизацияси тарихида ўзларининг муносиб ўринларига эга бўлган мутафаккир бўлганликларини, Ҳиндистондек улкан мамлакатда алоҳида аҳамиятга эга бўлган буюк бобурийлар салтанатини ташкил этишдек маъсулиятли вазифани амалга оширганликларининг гувоҳи бўлдик.

Бобурийлар даври ички ва ташқи сиёсати ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ бугунги кунда долзарб бўлган қуйидаги хулосаларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, Бобурнинг давлат ишларида доимо халқ манфаатларини устун қўйиши бугунги кун демократияси учун муҳим бўлган тамойилдир.

Иккинчидан, деярли барча бобурий ҳукмдорлар ҳукмронлиги даврида динлар ўртасидаги тенглик, ҳамдўстлик ғоялари тарғиб этилган. Буни диний қарашлар қарама-қаршилиги авжига чиққан бир пайтда, шахзода Акбаршохни турли дин вакиллари бўлган аёллар томонидан вояга етказилганлиги ва унинг ҳукмдор бўлганидан кейин энг адолатли ҳукмдор сифатида тарихда қолганлигида кўриш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган барчага кафолатланган диний эркинлик, диннинг давлатдан ажратилиши ва бағрикенглик сиёсати замирида ҳам ўша давр тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, бугун демократиянинг хусусиятларидан бўлган миллатлараро тотувлик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши

принциплари айнан бобурийлар давлатида ҳам мавжуд бўлган. Буларни давлат ва жамоатчилик вазифаларида ҳар қайси миллат вакиллари ишлашларига ҳуқуқ берилганида ва ҳинд миллатига мансуб аҳоли анъаналарида мавжуд бўлган салбий удумларни бажарилишини тўхтатиш борасида олиб борилган ишларда кўриш мумкин.

Тўртинчидан, бобурийлар давлатида хавфсизлик масаласига бугунгидек муҳим омил сифатида қаралган. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида, сиёсий барқарорлигида ва давлат чегараларининг хавфсизлигида тўғри ташқи сиёсат олиб бориш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларда дипломатиядан фойдаланиш муҳим бўлган.

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни Бобурнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бир сўз билан айтганда Бобур теран сиёсатчи, кучли иқтисодчи бўлиши Бобурийлар дипломатиясини раванқига ҳизмат қилди десак муболаға бўлмайди.

Бобур мамлакатни бирлаштириш ва марказлаштириш вазифасини уддалаган бўлса, унинг авлодлари даврида мамлакат гуллаб-яшнади ва Ҳиндистон инглизлар томонидан забт этилмагунича қудратли давлат сифатида мавжуд бўлди. Бобурий шахзодалар орасида турли хилдаги низолар чиқиши бир муддат сиёсий вазиятни ёмонлашишига олиб келди. Бобурийлар даврида айниқса Акбаршоҳ даврида сиёсий вазият анча барқарор бўлди, аҳоли турмуш тарзи яхшиланди, шу билан бирга илм-фанга, ҳунармандчиликка катта эътибор берилди.

Бобурийлар олиб борган ташқи сиёсат дунё шарқшунос ва тарихчи олимлари томонидан ўрганилди. Бобурийлар ташқи ва ички сиёсатида ислом омили муҳим аҳамият касб этади. Улар ислом динига ва мусулмонларга ўзгача ҳурмат билан қараганлар. Ислом динига бўлган кучли синмас эътиқоди сабабли улар Эронга қулай фурсат туғилганда ҳам юриш қилмадилар, бу эса уларни нақадар кучли эътиқодидан, моҳир дипломатлигидан далолат беради.

Мавзу кўлаמידан келиб чиқиб ташқи сиёсат тушунчаси ва назарияси тадқиқ этишда қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир:

Биринчидан, ташқи сиёсат давлатни халқаро майдонда ўз ўрни ва овозига эга бўлишида муҳим воситадир.

Иккинчидан, ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатнинг геосиёсий, геостратегик хусусиятларидан келиб чикувчи тўғри йўналтирилган ташқи сиёсий қарорларига боғлиқ.

Учинчидан, ташқи сиёсатни белгилашда давлатлар классик ва замонавий назарияларни ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсий йўналишни белгилаши мақсадга мувофиқ.

Бобур давлатдаги сиёсий вазиятни барқарорлаштира олди ва ундан кейинги авлод вакиллари ҳам шу тарзда давом эттирдилар.

Бобурийлар даврида мавжуд сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар ҳолатини ҳисобга олиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳолати ривожланди ва маданиятда қатор ўзгаришлар содир бўлди. Диний бағрикенглик таъминланишига эришилди.

Иккинчидан, ўша давр дипломатиясининг барча имкониятларидан фойдаланилган, дипломатик алоқалар фаол тарзда олиб борилган. Элчилар алмашинуви яхши йўлга қўйилган.

Бобурийлар дипломатияси ҳар бир бобурий шахзода замонида турли хилда олиб борилган бўлсада, аммо бобоси Бобуршоҳ олиб борган сиёсат йўналиши сақлаб қолинди. Бобурийлар нафақат Ҳиндистон бой тарихи ва унинг дипломатиясида балки бутун дунё дипломатиясида ўчмас из қолдирди. Чунки Бобурий шахзодалар олиб борган оқилона сиёсат ҳамда дипломатия уларни нақадар кучли дипломат ва сиёсатчи эканидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Акбаршоҳ дипломатияси ва унинг сиёсати кўп томонлама бобокалони Амир Темур олиб борган сиёсатни давоми десак муболаға бўлмайди.

Бобурийларнинг ички ва ташқи сиёсатда олиб борган фаолиятлари қанча вақт, қанча давр ўтганига қарамай аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Инсонлар давр ўзгаргани билан қадриятлардан ва анъаналардан воз кечганлари йўқ, балки уларга нисбатан қарашлар турлича шаклланди. Бу эса янгича ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
- 1.5. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ – Т: Шарқ, 1998. –214 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
- 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 64 б.
- 1.8. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
- 1.10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Китоблар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва монографиялар

- 2.13. Абдуғофуров А. “Бобир” эмас, “Бобур” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1983. -120 б.

- 2.14. Азимджанова С.А. Индийский диван Бабура. –Т.: Фан, 1966. -85 с.
- 2.15. Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Ж.1 . –Т.: Фан, 2004 -294 б.
- 2.16. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. –Т.: Маънавият, 1999. –88 б.
- 2.17. Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар, -Т.:Академия, 2007. –184 б.
- 2.18. Жалилов С. Бобур ва Юлий Цезар (Қиёсий ҳаётнома). –Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 480 б.
- 2.19. Зоҳидов.В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Т, 1961. –251 б.
- 2.20. Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2000. -80 б;
- 2.21. Караматова Д. Бобур ва ҳинд маданияти. Т.: Гулистон., 1994. –Б.32
- 2.22. Мирқосимов С, Раҳимова М. Дипломатик ва консуллик хизмати: саволлар ва жавоблар. –Т.:Академия, 2009. –б.
- 2.23. Низомиддинов И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎЗРФА Дав Адаб музейи., 2008. –320 б.
- 2.24. Нуриддинов.М . Бобурийлар сулоласи – Т.: Фан, 1944. –86 б.
- 2.25. Отажонов. Н . «Бобурнома» жаҳон кезади Т.: 1970. –110 б.
- 2.26. Обидов Б. Бобурийлар даврида Ҳиндистон ва Туркистон алоқалари тарихидан XVI–XVIII асрлар.// Шарқшунослик,– Т.: Фан. №10. 2000. – 226 б.
- 2.27. Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. –Т., 2000. –Б. 212.
- 2.28. Файзиев Т. Заҳириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари (Бобурийлар сулоласининг қисқача шажара тарихи) –Т.: Ёзувчи, 1996. - 96 б;
- 2.29. Шарма С.Р. Бобурийлар салтанати – Т.: Маънавият, 1998. –213 б.
- 2.30. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII вв Фан. Тош., 1985. –С.53
- 2.31. Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Монгола. Пер. С французского Жуховецкого Б. И Томара М. М.-Л., Соцэкгиз. 1936. –Б.89

- 2.32. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 годах. – С.156. См. Английские путешествие в Москве XVII в... –М., 1937. –С. 184-185.
- 2.33. Неру. Ж. Открытие Индии.М, 1955. –284 с.
- 2.34. Индия и Центральная Азия (до исламский период) Ташкент 2000, -Р. 113.
- 2.35. Ланцов С.А. Ачкасов В.А. “Мировая политика и международные отношения” СПб:Питер, 2007. –С. 266.
- 2.36. Масон В.М. Средняя Азия и Индия: 5000 лет культурных связей и творческого взаимодействия. India and central Asia The-Islamic period. Индия и Центральная Азия до исламский период. Т.: 2000, -Р. 113.
- 2.37. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – Л., 1932. –С. 138-139.
- 2.38. Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история. –Т.: Изд. АН УзССР, 1956. –С. 84-85.
- 2.39. Низомиддинов И. «Маасир-а Аламгири» как источник по внешнеполитическим отношениям Индии. «Индия». – Т.:Фан, Уз ССР, 1973. –С. 101.
- 2.40. Синха Н.К., Банержи А.Ч. История Индии. М.1954. –С. 242.
- 2.41. Семёнов А.А. “К вопросу о культурно-политических связях Бухары и Великомонгольской Индии в в. Материалы 2-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. Изд-во АН СССР, М. 1959. –С.153.
- 2.42. Шарапова С, Каримова Н, Шарапов А. Внутренняя и внешняя политика зарубежных стран востока и запада. – Т.: Фан, 2006. – С.9
- 2.43. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2003. – С. 30
- 2.44. Эрксин. У Бобур Хиндистонда –Т: Чулпон, 1995. –Б.102.
- 2.45. Babur and Humayn, vol.1-2 London, 1854 – P.12
- 2.46. Erskine W. History of India under the two first sovereigns the house of Taimur. 1854. –320 p.

- 2.47. Islam, Riasul. A. Calendar of Documents on Indo-Persian Relations., Karachi, 1979-1982. –P. 218
- 2.48. Ramesh Chandra Varma. Akbar and Abdulla Khan. “Islamic Culture”, Vol. XXI, №2, 1947, Hyderabad, -P.330.
- 2.49. Richard C.Foltz. Munghal India and Central Asia, -P.59.
- 2.50. Tuzuk-i-Jahangiri, tr.Rogers A, ND. 1978. TJ.-P. 112.

3. Конференция материаллари

- 3.51. Хусанбоев О. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сийҳёсий ва ҳуқуқий қарашлари// Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар. Илмий-назарий анжуман материаллари. –Т., 1994. –Б.63-65.
- 3.52. Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, Халқаро илмий анжуман материаллари. –Т.:Фан, 2008. –Б.35.

4. Рисола ва мақолалар

- 4.53. Хусанбоев О. Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк бобурийлар сулоласи асосчиси//Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2005. -№1(23). –Б.77-78.
- 4.54. Хусанбоев О. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Рисола. –Т.:ТДЮИ, 2005. -52 б.

5. Интернет манбалари

- 5.55. The Babur-name a in English (Memoirs of Babur).
<http://www.archive.org/stream/baburnamainengli02babuuoft#page/n6/mode/1up> 1922.

5.56. Аждодларга буюк мухаббат

<http://LibBobur.Uz/index.php?name=news&op=view&id=96> 2010.02.12.

5.57. Mughal Dynasty at Encyclopædia Britannica "Babar". Manas. University of California Los Angeles.

<http://www.sscnet.ucla.edu/southasia/History/Mughals/Babar.html>.

Retrieved 2008-04-02.


5.58. The Memoirs of Babur, Volume 1, chpt. 71. *[Memoirs of Zeh̄r-ed-Dīn Muhammed Bābur Emperor of Hindustan, Written by himself, in the Chaghatāi Tūrki](#)*. Translated by John Leyden and William Erskine, Annotated and Revised by Lucas King. Oxford University Press. <http://persian.packhum.org/persian/main?url=pf%3Ffile%3D03501051%26ct%3D70%26rqs%3D187%26rqs%3D196>. 1921.


5.59. Baburnama translated by Annette Susannah Beveridge 1922, p. 120-121. Archive.org. <http://www.archive.org/details/baburnama017152mbp>. 2010-10-02.

5.60. The Memoirs of Babur. *Silk Road Seattle*. Walter Chapin Center for the Humanities at the University of Washington. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts/babur/babur1.html>. 2006-11-08.


ИЛОВАЛАР


БОБУРИЙ ШАҲЗОДАЛАР ШАЖАРАСИ





Бобур асос солган бобурийлар империяси (1526-1530)





**Акбар вафотидан кейинги даврда Бобурийлар империяси
(1605)**



Хиндистон 1707 йилда

